БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 176 (407)

4 СЕНТЯБРЬ ЯКШАНБА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Пленуми (1-нчи бет).

Ҳосилни тез етилтириб, йиғим-теримга уюшқоқлик блан киришайлик! (1-нчи бет).

Ўзбекистон ССР колхозлари ва совхозлари ғалла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажардилар (1-нчи бет).

Боғдорчилик ва узумчилик масалалари юзасидан республика кенгаши (2-нчи бет).

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ: — **Фатҳиддин Насриддинов.** — Ишлик дафтари (2-нчи бет).

МАИШИЙ ТЕМАДА: **М. Икромов.** — Биринчи кирювиш хонаси ҳега эътибордан четда (3-нчи бет).

Н. Эгамназаров. — Шўрўзак пахтакорлари (3-нчи бет).

САТИРА ВА ЮМОР (3-нчи бет).

Япония парламент делегацияси Москвага келди (4-нчи бет).

Вьетнам Демократик Республикаси 10 йиллигининг Ханойда байрам қилиниши (4-нчи бет).

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қуролсизланиш комиссияси кичик комитетининг мажлиси (4-нчи бет).

Совет уй-жой қурилиши ходимларининг делегацияси АҚШга таклиф қилинди (4-нчи бет).

Совет қишлоқ хўжалик делегациясининг Канадада бўлиши (4-нчи бет).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Шу йил 2—3 сентябрьда Ўзбекистон Компартияси МКнинг пленуми бўлди.

Пленум қуйидаги масалаларни муҳокама қилди:

1) КПСС МК июль Пленумининг «Саноатни янада юксалтириш, техникани янада тараққий эттириш ва ишлабчиқаришни ташкил этишни янада яхшилаш вазифалари тўғрисида»ги қарорини бажариш соҳасидаги тадбирлар ҳақида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ **Н. А. Муҳиддиновнинг** доклади.

2) КПСС МК июль Пленумининг қарори ва пахта йиғим-теримини ўтказиш, 1955 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш планининг бажарилишини таъминлаш ҳамда республика колхоз ва совхозларида 1955—1956 йилги чорва моллар қишловини ўтказиш юзасидан Ўзбекистон партия ташкилотининг вазифалари ҳақида. Пленум бу масала юзасидан Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министри ўртоқ **М. В. Муҳаммаджоновнинг**, Ўзбекистон ССР совхозлар министри ўртоқ **Х. М. Жалиловнинг**, Ўзбекистон ССР кенг истеъмол товарлари саноати министри ўртоқ **Ф. Р. Носировнинг** ва СССР Тайёрлаш министрлигининг Ўзбекистон ССРдаги вакили **В. Г. Макотронинг** докладларини эшитди.

3) Ўзбекистон Компартиясининг XIII с'ездини чақириш тўғрисида (Докладчи Ўзбекистон КП МКнинг секретари ўртоқ **А. З. Ниёзов**).

Пленум кўриб чиқилган ҳамма масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Пленум Ўзбекистон Компартиясининг навбатдаги XIII с'ездини 1956 йил 26 январьда чақиришга қарор қилди.

Пахта йиғим-терими ва маданий-оқартув муассасаларининг вазифалари

Шу кунларда областимиз пахтакорлари йил бўйи фидокорона меҳнат қилиб етиштирилган мўл ҳосилни йиғиб-териб олишга киришишдек энг муҳим ва масъулиятли даврни кечирмоқдалар. Йиғим-терим ишларини пухта тайёргарлик кўрган ҳолда зўр уюшқоқлик блан бошлаб юбориш ва пахта тайёрлаш давлат планининг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш кўп жиҳатдан меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатиш соҳасида олиб борилаётган ишларимизнинг савиясига боғлиқдир.

КПСС Марказий Комитети Пленумларининг тарихий қарорларида идеология жиҳатдан таъсир кўрсатишнинг муҳим воситалари ҳисобланган маданий-оқартув муассасалари зиммасига ғоят катта ва масъулиятли вазифалар юклатилган. Улар саноат корхоналарида, колхоз, совхоз ва МТСларда оммавий-маданий тадбирларни изчиллик блан амалга ошириш ва меҳнаткашларни партиямиз Марказий Комитети Пленумлари қарорларида белгилаб берилган улуғвор вазифаларни бажаришга сафарбар этишда партия ва совет ташкилотларига яқиндан ёрдам беришга даъват этилгандирлар.

Маданий-оқартув муассасалари — клублар, кутубхоналар, ўқишхоналари, маданият уйлари ва маданият саройлари, кино, радио ва лекция пропагандасининг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги ролига етарли баҳо берилган жойларда бу муассасаларнинг тармоқлари йил сайин кенгайтирилмоқда ва уларнинг аҳолига маданий хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишлари ҳозирги муҳим талаблар даражасига кўтарилмоқда.

Қишлоқлардаги бирқатор маданий-оқартув муассасалари, жумладан, Мирзачўл районидаги «Октябрь», Ўртасарой районидаги «Полярная звезда», Октябрь районидаги Каганович номли, Гулистон районидаги Свердлов номли колхоз клубларида колхозчиларга маданий хизмат кўрсатиш юзасидан муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда, илғорлар тажрибаси кенг пропаганда қилинмоқда ва ишдан кейинги бўш вақтларда меҳнаткашларнинг дам олиши кўнгилли уюштирилаётир. Бу колхоз клублари ҳузурида турли бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ташкил этилган, лекторлар группаси тузилган. Уларда системали равишда бадиий ва илмий-оммабоп кино фильмлар кўрсатиб турилади, ёшларнинг кечалари, китобхонлар конференциялари ўтказилади.

Айрим қишлоқ кутубхоналари меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатишни анча яхшиламоқдалар. Масалан, Оржоникидзе районидаги Сталин номли колхоз кутубхонаси (мудири ўртоқ Урмакаева) яхши жиҳозланган бино блан таъминланган. Кутубхона 10 мингдан ортиқ китоб фондига эга. Унинг актив китобхонларининг сони тобора кўпаймоқда. Кутубхонанинг иши ҳозирги вақтда дала шийпонларига кўчирилган ва ҳарбир дала шийпонида кўчма кутубхона ташкил этилган. Актив китобхонлар адабиётларни пропаганда қилишда кутубхоначига ёрдам бермоқдалар. Бундай фактларни яна бирқанча колхоз клублари, кутубхоналари ва ўқишхоналари мисолида ҳам кўрсатиш мумкин.

Афсуски, областимизнинг кўпгина шаҳар ва районларида маданий-оқартув муассасаларининг ишларини яхшилаш учун мавжуд имкониятлардан ҳали ҳам тўла фойдаланилмаётир. Бу соҳада олиб борилаётган ишлар айниқса қишлоқ жойларида қониқарсиз аҳволда эканлигини кўрсатиб ўтиш керак. Колхоз клублари, кутубхоналари ва маданият уйларидан кўпи илғор тажрибани пропаганда қилиш, аҳолининг маданий савиясини ошириш блан ниҳоят даражада суст шуғулланмоқда. Кўпгина колхоз, совхоз ва МТСларда яхши жиҳозланган клублар уёқда турсин, ҳатто шу вақтга қадар қизил бурчаклар ҳам ташкил этилмаган. Оҳангарон районидаги 12 колхоздан фақат 7 тасида клуб бор. Лекин уларда ҳам ҳечқандай оммавий-маданий тадбирлар амалга оширилмайди. Бу колхоз клубларида КПСС Марказий Комитети январь Пленумидан кейинги ўтган давр ичида илғорлар тажрибасини ўрганиш юзасидан бирорта конференция ёки тематик кечалар ўтказилмаган ва виставкалар ташкил этилмаган. Район маданият бўлими ва унинг мудири ўртоқ Хўжаева эса колхозларда маданий-оқартув муассасаларининг ишини яхшилаш масалалари блан мутлақо қониқарсиз шуғулланмоқда.

Областимиз районларида бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг фаолиятини жонлантиришга ҳам етарли эътибор берилмаётир. Маданият ходимлари одатда бу масала блан кўриклар ва ашула байрамлари олдидангина шуғулланадилар, бундан кейинги вақтларда эса ҳаваскорлик коллективларининг иши бутунлай эътибордан четда қолдирилади. Шуни ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, қишлоқ бадиий ҳаваскорлик коллективлари репертуарларининг ғоявий-бадиий савияси жуда паст. Бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг ишидаги жиддий камчиликларга, биринчи навбатда республика халқ ижодий уйи (директори ўртоқ Ахмедов) ва область маданият уйи (мудири ўртоқ Усманова)нинг қониқарсиз ишлаётганликлари сабаб бўлмоқда. Бу муассасаларнинг ходимлари жонли, ташкилий иш блан кам шуғулланмоқдалар ва тўгарак раҳбарларига методик ёрдам кўрсатмаётирлар.

Қишлоқ жойларида аҳолига кино хизмати кўрсатиш ҳам қониқарли аҳволда деб бўлмайди. Кўпгина районларда пахтакорлар ва механизаторларга системали равишда кино фильмлар кўрсатилмаётир. Шуни кўрсатиб ўтиш кифоя қиладики, бу йил кино установкалардан фойдаланиш плани областьдаги қишлоқ районларининг ярмигагина бажарилган.

Область маданият бошқармаси (бошлиғи ўртоқ Қирғизбоев) ходимлари ўз ишларида бюрократизмга йўл қўймоқдалар, жойлардаги органларга жонли раҳбарлик қилиш ўрнига кўп вақтларда мажлисбозликка берилиб кетмоқдалар, кадрларни танлаш ва тарбиялаш ишини ёмон олиб бормоқдалар.

КПСС Марказий Комитети январь ва июль Пленумлари қарорларида маданият ходимлари олдига саноат ва қишлоқ хўжалик илғорларининг тажрибасини пропаганда қилиш ҳамда меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатишни ҳартомонлама яхшилаш каби катта талаблар қўйилган. Улар кенг меҳнаткашлар оммасини Пленум қарорларини бажаришга сафарбар этишда маҳаллий партия ва совет ташкилотларига яқиндан ёрдам беришлари, саноат корхоналари ва колхоз, совхозларда меҳнат унумдорлигини ошириш, социалистик мусобақани кучайтириш ҳамда илғорлар тажрибасини пропаганда қилишда жонли иш олиб боришлари керак.

Областимизнинг колхоз ва совхоз далаларида пахта йиғим-теримини оммавий равишда қизитиб юборадиган вақт яқинлашмоқда. Йиғим-терим даврида пахтакорлар ва механизаторларга маданий хизмат кўрсатишни ҳар томонлама кучайтириб юбориш — маданий-оқартув муассасаларининг энг муҳим вазифасидир. Улар бу соҳада олиб бориладиган бутун ишларни бевосита дала шийпонларига кўчирилари, пахта далалари илғорларининг тажрибасини кенг пропаганда қилишлари, кўчма кутубхоналар, қизил бурчаклар ташкил этиб, уларни турли адабиётлар ва кўрсатмали агитация воситалари блан мукаммал таъмин этишлари лозим. Меҳнаткашларнинг кўнгилли дам олишини уюштиришда бадиий ва илмий-оммабоп кинофильмлар кўрсатиш ҳамда ҳаваскорлик тўгараклари коллективларининг иштироки блан янги программаларда концерт қўйиб бериш айниқса муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг сан'ат ишлар Бош бошқармаси ва область маданият Бошқармаси пахта йиғим-терими даврида шаҳар ва область театрларининг энг яхши кучларини пахтакорлар, механизаторларга маданий хизмат кўрсатишга сафарбар этишлари ҳамда уларнинг қишлоқ бадиий ҳаваскорлик тўгаракларига оталик ёрдамини кучайтиришлари керак.

Пахта йиғим-терими даврида маданий-оқартув муассасаларининг фаолиятини жонлантириш, аҳоли ўртасида лекция пропагандасини кучайтириш, ўқиладиган лекцияларнинг ғоявий-сиёсий ва илмий савиясини ҳозирги юксак талаблар даражасига кўтариш, радио эшиттиришни, кинофильмлар кўрсатишни яхшилаш — маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг бевосита бурчидир.

Ҳосилни тез етилтириб, йиғим-теримга уюшқоқлик блан киришайлик!

* *

Ғўзага ишлов бериш давом этдирилмоқда

Пахтакорларимиз мўл ҳосил етиштириб, планни ошириб блан бажариш учун август ойида ҳам, худди июль ойидагидек ғўза парваришини сусайтирмасдан давом этдирдилар. Бу йил август ойида об-ҳаво айниқса иссиқ келди. Бу ҳосилга-ҳосил қўшиш ва тугулган ҳосилни, тўла сақлаб қолиш учун анча қўшимча чора кўришни талаб этди. Пахта далалари атрофи бегона ўтлардан тозаланди, ариқ бўйидаги дарахтларнинг соя қиладиган шохлари бутаб ташланди ва чеканка ўз вақтида ўтказилди. Шунинг натижасида ғўзалар шамоллаб, ҳозир ҳам яхши ўсиб ҳосилни кўпайтираётир.

Ғўза парваришида ҳаммадан олдинда бораётган ўртоқ Маҳаммадиев бошлиқ бригаданинг комсомол-ёшлари 80 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 32 центнер пахта ҳосили олиш учун сентябрь ойида ҳам ғўзага ишлов беришни намунали қилиб давом этдирмоқдалар. Маҳаллий ўгит бериш, суғориш ишлари бир-бирига боғланган ҳолда олиб борилаётир. Айниқса, табақалаштириб суғоришда тажрибали сувчилардан Тоғай Жумабоев, Худойберди Суюнов ва Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг қатнашчиси Эшонқул Шодмонов ўртоқлар кундалик нормани 1,5—2 ҳисса қилиб бажармоқдалар. Сувчилар ғўзаларнинг чанқаб қолишига асло йўл қўймай, кечаю-кундуз сувдан тўла фойдаланаётирлар. Натижада ғўзалар бир текисда суғорилиб, культивация ўз вақтида ўтказилмоқда.

Культивация қилишда механизаторлардан Нортой Суванов ва Мусурмон Сорабековлар кундалик нормаларини ошириб бажармоқдалар.

Ғўзалар барги орқали озиқлантирилаётир. Бунда самолётдан кенг фойдаланмоқдамиз. Бу эса, кўсакларнинг салмоқдор бўлишини ва ҳосилнинг тезда етилишини таъминлайди. Колхозимиз аъзолари бу йил 500 гектар пахта майдонининг, ҳар гектаридан 30 центнердан пахта ҳосили етиштириб, ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шараф блан бажариш учун зўр ғайрат қилмоқдалар.

А. ХЎЖАХОНОВ,

Верхне-волинск районидаги Жданов номли колхоздаги давлат агрономи.

ИЛҒОР ТЕРИМЧИЛАРДАН ЎРНАК ОЛИНГИЗ!

Юксак мақсад йўлида



Мен ёшлик чоғларимдан бошлаб пахта теришни яхши кўраман. Ҳар бир мавсумда 10—15 тонна пахта терган теримчилар тўғрисида эшитганимда менда зўр қизиқиш пайдо бўларди. Ўша машҳур теримчилар блан учрашгим, қандай қилиб шунча кўп пахта терганликлари ҳақида суҳбатлашгим келарди. Мен ҳам худди ўшалардай донгдор теримчи бўлсам, она-Ватанимизга кўпроқ пахта териб берсам, деб орзу қилардим. Мен анашу мақсад блан ўз колхозимиздаги илғор теримчилар сафида туриб ишлайбошладим. Теримда ҳаммадан аввал қимматли вақтнинг қадрига етиш керак экан. Пахтазорга эрта чиқсанг, софҳавода баҳри-дилинг очилиб, унумли меҳнат қилар экансан, киши. Ўтган йили 16 тонна пахта териб бердим.

Бу йил бригадамизда мўл пахта ҳосили етиштирилди. Биз 60 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил топшириш га аҳд қилганмиз. Биз пшчи кучларидан ва механизациядан тўла ҳамда унумли фойдаланган ҳолда ғўзаларимизни тўрт-беш марта комплекс парваришдан чиқардик. Натижада олган мажбуриятимизни қоплайдиган даражада ҳосил тўплашга эришдик.

Бизнинг олдимизда турган энг муҳим вазифа — ана шу мўл ҳосилни сра нобуд қилмай ўз вақтида йиғиб-териб олиб, давлатга топшириш дан иборат. Бу эса биз теримчилардан сидқидиллик ва матонат блан ишлашни талаб қилади.

Ҳозир пахта далаларимизда пухта тайёрлик кўрилган ҳолда терим бошланди. Мен дастлабки кунлардаёқ 100 — 150 килограммдан пахта теришга эришдим. Бу йил она-Ватанимизга 20 тонна пахта териб беришга аҳд қилганман. Анашу аҳдни амалга ошириш учун бизда ҳамма имкониятлар бор. Мен бу имкониятлардан унумли фойдаланиб, ғайрат блан ишлайман ва партиямизнинг XX с'ездини муносиб меҳнат совғалари блан кутиб олиш учун курашаман.

Жаннат СУЛИЕВА.

Оққўрғон районидаги Ворошилов номли колхознинг теримчиси.

Н. Меламед фотоси.

Пахта далаларидан дараклар

Коммунист ўртоқ Х. Хайтқулов бригадасининг аъзолари 1954 йилда фақат Каганович номли колхоздагина эмас, балки бутун Оҳангарон районида пахтадан энг юқори ҳосил олган эдилар. Улар бу йил ҳам чигит экиш ва ғўза парвариши даврида фидокорона меҳнат қилиб пахтадан мўл ҳосил етиштиришга эришмоқдалар. Бригадага ғўза ҳозир ҳам парвариш қилинмоқда.

— Ўтган йили ҳар гектар ердан 20 центнердан ҳосил олган бўлсак, — дейди ўртоқ Хайтқулов, — бу йил камида 30 центнердан ҳосил олиб, давлат планини 15 октябрьгача бажарамиз.

Бригаданинг ўртоқ У. Бўрибоева бошлиқ звено аъзолари ғўзани айниқса қунт блан парвариш қилиб, ҳосил тўпланша колхозда биринчи қаторда бораётирлар. Бу звено аъзолари даладаги ҳосилни аниқлаб, ҳар гектар ерда 35 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар.

Бригада аъзолари пахта йиғим-теримига тайёргарлик кўриб, 3 та дала хирмони қурдилар; тош-тарози, этак ва қопларни ҳозирлаб қўйдилар; аравалар ремонт қилиниб, отлар ем блан боқилмоқда.

Т. ХУШНАЗАРОВ.

☆

Ўтган йил 920 гектар ерда пахта етиштириб, давлат планини муваффақият блан бажарган Сирдарё районидаги Маленков номли колхоз аъзолари бу йил 935 гектар ерда ғўза ўстирмоқдалар. Бу йил пахта майдонларининг кўп қисмида ғўзалар квадрат-уялаб ва торқаторлаб ўстирилиши, экин устида қилинадиган барча ишларни тез ҳамда ўз вақтида бажарилишини таъмин этди. Натижада колхоз далаларида мўл пахта ҳосили етишмоқда. Колхозчилар ҳосилнинг ҳозирги кўринишини синчиклаб ўргандилар. Шунинг учун улар давлатга шартномадаги 24 ўрнига 26 центнердан ҳосил беришга аҳд қилдилар.

КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, ғўза парваришини ҳозир ҳам давом этдираётган Маленков номли колхоз аъзолари пахта йиғим-теримини уюшқоқлик блан ўтказиш учун ҳам тайёргарликни кучайтириб юбордилар. Ҳозир дала шийпонлари, хирмонлар ремонтдан чиқарилди, янгидан дала хирмонлари қурилди. Терим ишларида керак бўладиган барча материал-техник воситалар ҳозирланиб қўйилмоқда. Терим плани ва графиклари ишланиб, колхозчилар ўртасида муҳокама қилинди.

Т. ҲАЙДАРОВ.

★

Мирзачўл районидаги «8 март» колхозининг аъзолари 430 гектар майдонда мўл пахта ҳосили етиштириш учун зўр ғайрат блан меҳнат қилмоқдалар. колхозчилар август ойида ҳам барча майдонлардаги ғўзаларни икки марта комплекс парвариш қилдилар. Айрим қолоқ участкалар ғўзасини етилтириб олиш учун бирқатор қўшимча тадбирлар амалга оширилди. Колхозда ғўзаларни барги орқали озиқлантириш 5 сентябрьгача давом этдирилади. Ҳозиргача 200 гектардан кўпроқ ердаги ғўза барги орқали озиқлантирилди.

Ғўзанинг суғоришга ғоят эътибор берилмоқда. Бу ишда илғор сувчилардан Абдужалилота Йўлдошев, Зайнали Арслонов, Иброҳимота Холбеков каби тажрибакордар зўр маҳорат кўрсатмоқдалар. Улар сувни тежаб-тергаб сарфлаш блан ғўзани қондириб суғормоқдалар.

Колхозда пахта йиғим-теримига тайёргарлик ишлари ҳам қизғин олиб борилмоқда. Дала хирмонлари сувалди, янги хирмонлар қурилди. Аравалар, машиналар ремонт қилиниб, отлар боқилмоқда. Қоп, этак ва бошқа аш'ёлар ҳам тайёрланмоқда.

М. АБДУРАИМОВ.

Ўзбекистон ССР колхозлари ва совхозлари ғалла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажардилар

Ўзбекистон ССР колхозчилари, МТС ва совхоз ходимлари КПСС Марказий Комитети Пленумларининг дон етиштиришни ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан чиқарган қарорларини бажариш учун курашиб ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'ездини муносиб равишда кутиб олишга тайёрланиб, ғалла тайёрлаш давлат планини (шолидан ташқари) муддатидан илгари бажардилар. Давлатга ғалла топшириш давом этмоқда.

Республика колхозлари ва совхозлари КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорини бажариш учун курашиб, чорвачилик маҳсулдорлигини оширдилар, бу эса бу йил давлатга ўтган йилдагига қараганда 44 процент кўп гўшт ва 27 процент кўп сут топшириш имкониятини берди. Қоракўл тери тайёрлаш плани ошириб бажарилди.

Ҳозирги вақтда республика колхозлари ва совхозлари пахта йиғим-теримига киришдилар ва пахта, шоли ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш давлат планини муддатидан олдин бажариш учун чоралар кўрмоқдалар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ М. Д. ЧУБИНИДЗЕНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Грузия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси ва СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари ўртоқ М. Д. Чубинидзенинг туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати блан ва унинг Совет давлати олдидаги хизматларини эътиборга олиб, ўртоқ Мирон Дмитриевич **Чубинидзе Ленин** ордени блан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль
1955 йил 2 сентябрь.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советига сайлов ўтказучи 165-нчи Калинин сайлов округи комиссияси составини тасдиқлаш тўғрисида

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советн ижроия комитетининг қарори

«Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Советларига сайлов тўғрисидаги Низом»нинг 30 ва 31-нчи моддаларига асосан Тошкент область ижроия комитети **қарор қилди:**

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советига 165-нчи Калинин сайлов округи бўйича сайлов ўтказучи комиссия состави қуйидагича тасдиқлансин:

Округ сайлов комиссиясининг раиси — Қосимбек **Саидбеков** — Маленков номли колхоз аъзоларидан.

Раис ўринбосари — Сайфудин **Муҳиддинов** — Ворошилов номидаги колхоз коммунистик партия ташкилотидан.

Комиссия секретари — Расулмат **Аҳмедов** — «Большевик» мактаб хизматчилари коллективидан.

Округ сайлов комиссиясининг а'золари:

Амина **Галиева** — Киров номли мактаб ўқитучилари коллективидан.

Башорат **Раҳматуллаева** — Ворошилов номли колхоз аъзоларидан.

Саломат **Раимжонова** — Маленков номли колхоз аъзоларидан.

Аякбой **Тугузбоев** — Маленков номли колхоз аъзоларидан.

Тошкент область ижроия комитетининг раиси Х. ЖАЛИЛОВ.
Тошкент область ижроия комитетининг секретари, Ҳ. ҚОБИЛОВ.

1955 йил, 1 сентябрь, Тошкент шаҳри.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советига 165-нчи Калинин сайлов округи бўйича сайлов ўтказиш тўғрисида

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советн ижроия комитетининг қарори

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг 165-нчи Калинин сайлов округидан кўрсатилган депутатнинг бошқа жойга кетганлиги туфайли Тошкент область ижроия комитети **қарор қилди:**

1. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1955 йил 30 августдаги 123-нчи қарорига мувофиқ 1955 йил 18 сентябрьда 165-нчи Калинин сайлов округида меҳнаткашлар депутатлари область Советига сайлов ўтказилсин.

2. Сайлов Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1952 йил 1 августдаги 214-нчи фармонига тўла риоя қилинган ҳолда ўтказилсин.

Тошкент область ижроия комитетининг раиси Х. ЖАЛИЛОВ.
Тошкент область ижроия комитетининг секретари Ҳ. ҚОБИЛОВ.

1955 йил, 1 сентябрь, Тошкент шаҳри.

Боғдорчилик ва узумчилик масалалари юзасидан республика кенгаши

Боғдорчилик ва узумчилик масалалари юзасидан Тошкентда республика кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети чақирган эди.

Кенгашни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси ўртоқ Н. А. Муҳиддинов қисқача кириш нутқи билан очди. Ўртоқ Муҳиддинов пахтачилик, чорвачилик ва пиллачилик билан бир қаторда боғдорчилик ва узумчилик ҳам Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи эканлигини уқтириб, республикада мевачиликни янада ривожлантириш, ўтган йилги совуқ уриш ҳодисасининг оқибатларини тугатиш соҳасидаги навбатдаги вазифаларга тўхталиб ўтди.

Сўнгра, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари ўртоқ Қ. Р. Раҳимов «Республика колхозларида ва совхозларида боғдорчилик ва узумчиликни тиклаш ва янада ривожлантириш тўғрисида» доклад қилди.

Докладда ва музокараларда сўзга чиққан нотиқларнинг сўзларида та'кидлаб ўтилишича, Ўзбекистон саноат товар мевачилиги ва узумчилиги билан машҳур район ҳисобланади. Республиканинг табиий шароити қишлоқ хўжалигининг бу тармоғини кенг миқ'ёсда ривожлантириш учун жуда қулайдир. Республика боғларида ўрик, олма, нок, шафтоли, олхўрининг энг яхши сортлари, майизбоб узумлар, субтропик, цитрус ва бошқа қимматли мевалар етишмоқда. Кейинги йилларда шампань винолари ишланадиган узум сортлари муваффақият билан етиштирилмоқда.

Ўзбекистон колхозлари ва совхозлари партия ва ҳукуматнинг кўрсатмаларини амалга ошириш учун курашиб, мевачиликни ривожлантиришда ма'лум муваффақиятларга эришдилар. Кейинги уч йил ичида республика колхозларида мева боғлари ва токзорлар 12 минг гектардан кўпроқ ортди. Қишлоқ хўжалик артеллари катта майдонларда янги мева ва узум боғлари барпо этабошладилар, бу эса мева тупларини парвариш қилишда машиналардан кенг фойдаланиш имконини беради.

Шу билан бирга, айрим хўжаликлар мева ҳосилдорлигини юқори даражага кўтаришга эришдилар. Жумладан, Тошкент область Оржоникидзе районининг колхозлари ўтган йили ҳар гектар ердан 97 центнердан мева йиғиб олдилар, Озиқ-овқат моллари саноати министрлигининг совхозлари эса ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 174 центнердан уруғли мева олдилар. Ба'зи қишлоқ хўжалик артеллари, чунончи, Самарқанд область Комсомол районидаги Ленин номли ва бошқа бирқанча қишлоқ хўжалик артеллари ҳар гектар ердан 140 — 160 центнердан узум йиғиб олаётирлар.

Кўп колхозлар боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш ишини пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш билан яхши боғлаб олиб бормоқдалар. Тошкент область Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози ана шулар жумласидандир. Бу колхозда минг гектардан кўп ерда пахта, 132 гектар ерда мева етиштирилмоқда. Ўтган йили 23 миллион сўмдан иборат жам'и даромаднинг 4 миллион сўмдан кўпроғи мева ва узум боғларидан олинди.

Броқ, умуман олганда, республикада мевачиликнинг ривожланиши мутлақо қониқарсиздир. КПСС Марказий Комитетининг февраль-март Пленумида ана шундай баҳо берилди. Гарчи кейинги уч йил ичида боғ майдонлари кўпайган бўлсада, ялпи маҳсулот тахминан 30 процент камайди. Фарғона водисидаги, Қашқадар'ё ва Бухоро областьларидаги қишлоқ хўжалик артелларида аҳвол айниқса ёмон.

Республика колхозларида узумчиликни ривожлантириш жуда ёмон аҳволда қолди. Узум боғлари барпо қилиш бешйиллик плани Ўзбекистонда, 57,8 процент бажарилди, холос. Бунинг устига, қишлоқ хўжалик артелларида кейинги икки йил ичида токларнинг ҳосилдорлиги икки мартадан кўпроқ камайиб кетди.

Шуларнинг ҳаммаси партия ва совет органлари раҳбарларининг қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришига раҳбарлик қилиш даражаси пасайиб кетганлигининг натижаси бўлди. Мева ва узум боғларига бепарво қараш натижасида улардан олинадиган даромад камайди. Ўтган йили республика қишлоқ хўжалик артеллари мевачиликдан 1952 йилдагига қараганда 23 миллион сўм кам даромад қилдилар.

Колхозчилар, қишлоқ хўжалик мутахассислари, илмий муассасаларнинг вакиллари кенгаш минбарига чиқиб, республикада боғдорчилик ва узумчиликни тез муддатда кенгайтириш зарурлигини айтдилар. Даставвал мева дарахтлари нобуд бўлган ерлардаги боғлар сўзсиз тикланиши лозим. Бунинг учун вақтни бекорга ўтказмай, мутахассислар иштироки билан ҳамма мева дарахтларининг қандай ҳолатда эканлигини текшириб чиқиш ва тамомила қуриб қолган мева дарахтларини илдизи билан кўчирабошлаш керак.

Шу билан бирга колхозлар ва совхозлар янги мева боғлари ва токзорлар барпо қилишлари лозим. Келажак бешйилликда республиканинг колхозларида ва совхозларида 22 минг гектар ерда мева боғлари ва 28,7 минг гектар ерда токзорлар барпо қилиш мўлжалланади. Янги бешйилликда Фарғона водиси, Тошкент, Самарқанд областьлари ва Қорақалпоғистон АССР районларида мевачилик айниқса тез сур'атлар билан ривожлантирилиши лозим.

Самарқанд ва Қашқадар'ё областида баҳорикор ерларда мевачилик кенг ривожлантирилади. Кўкбулоқ, Мироқи, Қорақишлоқ, Фориш, Хотирчи ва Паркент районларидаги хўжаликларнинг тажрибаси тоғли зоналарда боғдорчиликни ва узумчиликни ривожлантириш учун катта имкониятлар борлигини кўрсатади.

Шу билан бирга республика Қишлоқ хўжалик министрлиги ва МТСлар мевачиликни механизациялаш даражасини кўтариш тўғрисида етарлик ғамхўрлик қилмаётирлар.

Қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг новатори, Сталин мукофоти лауреати Ризамат Мусамухамедов мева боғларида ва токзорларда кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаш проблемалари ҳақида гапирди. У кўчат ўтказиш учун МТС ва совхозларда мавжуд бўлган КПУ — 2000 маркали ариқ қазиш машиналаридан кенг миқ'ёсда фойдаланишни таклиф қилди. Бундай қилганда қўл меҳнати 30 процентдан ҳам кўпроқ қисқаради, шу билан бирга кўчатлар яхши ўсади.

Самарқанд мевачилик селекция-тажриба станцияси директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари ўртоқ Череватенко мева дарахтлари қатор ораларини қирқма шахмат усулида ишлаш усулини қўллашни таклиф қилди.

— Техникадан моҳирлик билан фойдаланиш, — деди 4-нчи совхоз директори ўртоқ Қобилов, — хўжалигимизга юқори ҳосил олиш имконини бермоқда. Совхозда ўтган йили ҳар гектардан ўрта ҳисоб билан 155 центнердан узум олинди. Совхоздаги ишларнинг анчагина қисми механизмлар ёрдами билан бажарилмоқда. Энг кўп меҳнат талаб қиладиган ишлардан бири бўлган токларни кўмиш машиналар ёрдами билан бажарилаётир.

Кенгаш қатнашчилари уруғли ва данакли меваларнинг, субтропик ва цитрус меваларнинг энг серҳосил сортларини етиштириш масалаларига катта э'тибор бердилар.

Ҳозирги вақтда мева кўчатзорларининг роли ҳар қачонгидагидан ҳам каттадир. Бу кўчатзорлар қисқа муддат ичида қарийб 40 миллион туп турли кўчатлар етиштиришлари лозим. Лекин, кенгашда қайд қилиб ўтилганича, мевачилик кўчатзорлари колхозларнинг талабларини ҳали қондираолмаётирлар. Тошкент, Бухоро ва Хоразм мева кўчатзорлари кўчатлар етиштириш юзасидан белгиланган топшириқларни систематик суратда бажармаётирлар. Кенгашда «Узгосплодопитомник» республика конторасининг бошқарувчиси ўртоқ Жабборов ана шу ҳақда гапирди. У айтдики, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги мева кўчатзорларининг моддий ва техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисида, уларни малакали ходимлар билан та'минлаш ҳақида ғамхўрлик қилмаётир.

Илғор агротехникани ишлабчиқаришга жорий қилмасдан туриб, Ўзбекистонда мевачиликни янада ривожлантириб бўлмайди. Кенгашнинг кўп қатнашчилари ана шу фикрни билдирдилар. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Р. Шредер номидаги мевачилик-резаворчилик институтининг директори ўртоқ Мирзаев дарахтларни парвариш қилиш қоидаларининг бутун комплексини амалга ошириш зарурлиги ҳақида сўзлади. Ёш дарахтларнинг қатор ораларига дала экинлари — пахта, мош, сабзавот ва бошқа экинлар экиш керак.

Илмий муассасаларнинг ходимлари олдига жиддий талаблар қўйилди. Ўзбекистон Узумчилик илмий-текшириш институтининг, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига қарашли Самарқанд мевачилик селекция-тажриба станциясининг, Бутуниттифоқ ўсимликшунослик илмий-текшириш институти Ўрта Осиё тажриба станциясининг, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Р. Шредер номидаги Мевачилик-резаворчилик институтининг, Бутуниттифоқ виночилик ва узумчилик илмий-текшириш институти Ўрта Осиё филиалининг («Магарач») коллективлари мева дарахтларининг ҳосил бермаслик ҳолларини тугатишга ва уларни совуқ уришдан сақлашга имкон берадиган янги агротехника усулларини ишлаб чиқишда сусткашлик қилмоқдалар.

Колхозчиларга, ишчи ва хизматчиларга қарашли мева дарахтларини эсдан чиқариб қўймаслик керак. Республиканинг умумий балансида бундай боғларнинг солмоғи 43 процентни, токларнинг солмоғи эса 20 процентни ташкил этади. Томорқа участкаларидаги эски боғларни ва токларни тиклаш ҳамда янги боғ ва токзорлар барпо этишда кишиларга ҳамма воситалар билан ёрдам бериш зарур.

Қорақишлоқ район партия комитетининг секретари ўртоқ Ҳамрақулов, Кўкбулоқ районидаги Хрушчев номли колхознинг раиси ўртоқ Шотўраев ва республика Қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари ўртоқ Исомуҳамедов баҳорикор ерларда мевачиликни ривожлантириш перспективалари тўғрисида гапирдилар.

Кенгаш қатнашчиларидан бирқанча ўртоқлар ўз сўзларида боғдорларнинг меҳнатини ташкил қилиш ва уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, мевачи мутахассислар тайёрлаш, мева дарахтларини ва ҳосилни касалликлардан ҳамда зарарли ҳашаротлардан сақлаш масалаларини кўтардилар.

Кенгашда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари ўртоқ М. Абдураззоқов нутқ сўзлади.

Кенгаш ишларида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ А. Э. Ниёзов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ И. В. Бабков қатнашдилар.

* * *

Кенгаш қатнашчилари Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Р. Шредер номидаги Мевачилик-резаворчилик институтига, Бутуниттифоқ ўсимликшунослик илмий-текшириш институтининг Ўрта Осиё тажриба станциясига, Тошкент область, Қорасув районидаги Ленин номли колхозга экскурсияга бордилар. (ЎзТАГ).



Қорасув районидаги Свердлов номли колхоз полиз экинларидан мўл ҳосил етиштирди. **Суратда:** кекса колхозчи Файзи Абдуллаев.

Н. Меламед фотоси.

ПОЛИЗДА

Қовунлар ғарқ пишди: кўкча, амири...
Эмиб меҳнат ва ёз офтобин.
Худди ётган қўйдек келар ҳарбири,
Билиб бўлмас ҳосил ҳисобин.

Ҳали қуёш чиқмай катта полизни
Айланади кекса соҳибкор.
Қучоққа сиғмайди қовун, тарвузи,
Ҳар қовунда асал тоти бор.

Етилган қовунлар «мана мен» дейди,
Пичоқ тегмай чатнар, тариллар.
Ота лаззатланиб бир тилим ейди,
Меҳнатнинг файзини билар қарилар.

Ифтихор тўлади ота қалбига,
Жилмаяди ажинли юзи.
Ахир, экканлари асл қанд экан,
Шакар эккан экан колхози.

Барча машиналар хизматда бугун,
Тўпланади полиз ҳосили.
— Қани болаларим Ленинград учун,
Танлаб-танлаб узинг асилин.

«Камтар совғамизни қабул қилиб ол,
Ишчи шаҳар, буюк Ленинград».
Хаёлдан шуларни ўтказаркан чол,
Юрагида севинч қатма-қат.

— Ахир, сен ўзинг-ку улуғ тонг чоғи,
Бизга иқбол бахш этган шаҳар,
Бошларни силаган ғолиб байроғинг,
Юрагимда ҳурматинг яшар.

Кузовда уйилар қовуну-тарвуз,
Машиналар учар станция томон.
Қардош Ленинградга йўллайди колхоз,
Меҳнат меҳр билан унган армуғон.

Жуманиёз ЖАББОРОВ.

БАДИИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ЯНГИ БЎЛИМ ВА КУРСЛАР

Бу йил Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ҳузурида черченье ва расм бўйича мутахассис-ўқитувчилар тайёрловчи янги бўлим очилди. Шунингдек, А. Н. Островский номидаги Тошкент театр-бадиий институти ҳузурида тасвирий сан'ат факультетининг иккинчи курси ва П. П. Беньков номидаги Тошкент бадиий билим юрти ҳузурида амалий сан'ат бўлимининг тўртинчи курси очилди. Бу янги бўлим ва курслар халқ хўжалигимиз учун юқори малакали кадрлар тайёрлашда катта аҳамиятга эга.

Лекция пропагандасини кучайтирайлик

Идеология фронтининг муҳим соҳаси бўлган лекция пропагандасининг вазифаси омманинг сиёсий онгини юксак даражага кўтариш, барча меҳнаткашларни совет ватанпарварлиги ва халқлар дўстлиги руҳида давлат манфаатларини ҳимоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборатдир. Шунингдек у, капитализмнинг кишилар онгидаги сарқитларига, эски урф-одатларга қарши курашда муҳим роль ўйнаши лозим. Шунинг учун ҳам партиямиз Марказий Комитети лекция пропагандасини тобора кучайтириш ва унинг моҳиятини янада оширишга катта аҳамият бериб келмоқда.

Илмий ва сиёсий билимлар тарқатувчи жамиятнинг Тошкент область бўлими лекция пропагандасини яхшилаш юзасидан бирмунча ишлар қилди.

Жумладан, шу йилнинг февраль ойидан бошлаб жамият а'золарига янги а'золик билети топшириш билан бир қаторда сиёсий ва илмий билимларни тарғиб этишга лойиқ бўлмаган кишилардан ўз сафини тозалади. Жамиятнинг шаҳар ва район бўлимлари ҳузурида 60 дан ортиқ ижтимоий-сиёсий, қишлоқ хўжалик, медицина, халқаро аҳвол ва педагогика секциялари тузилди. Жамиятнинг область бўлими ҳузурида 6 та секция тузилган бўлиб, бу секцияларда жамият а'золарининг лекция текстлари текшириб кўрилади ва тасдиқланади. Шу йилнинг ўтган даври ичида ўнларча лекция тексти тайёрланди. Булардан бир қисми ротаторда кўпайтирилиб, жойларда ўқиш учун жамиятнинг шаҳар ва район бўлимларига юборилди.

Жамиятнинг область бўлими а'золаридан ўртоқ А. С. Дьяченконинг «Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидаги хотин-қизларнинг аҳволи», қишлоқ хўжалик фанлари кандидати ўртоқ К. Мирпўлатовнинг «Ғўзани касалликлар ва зараркунандалардан сақлаш методлари» деган брошюралари оммавий тираж билан нашр этилди.

1955 йилнинг 8 ойи ичида областимизнинг шаҳар ва районларида, колхоз ва совхозларида, корхона ва ташкилотларида сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамият а'золари томонидан ҳархил темада 4 мингга яқин лекция ўқилди.

Лекцияларни яхши ташкил этиш, ўз а'золарини лекция текстлари тузишга кенг жалб этиш ва уларнинг активлигини ошириш соҳасида жамиятнинг Чирчиқ, Янгийўл, Мирзачўл, Октябрь, Калинин ва Сир'дар'ё район ва шаҳар бўлимлари бирмунча яхши ишламоқдалар.

Лекин, Юқоричирчиқ, Оҳангарон, Верхне-волинск, Бекобод, Пискент, Ўртасарой, Ўртачирчиқ каби район бўлимлари лекция пропагандасини сусайтириб юбордилар. Улар лекцияларни ташкил этиш, интеллигенция, партия ва совет ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ҳамда лекция ўқиш учун етарли билим ва қобилиятга эга бўлган бошқа кишиларни лекция ўқишга жалб қилиш, улар билан ишлаш юзасидан етарли иш олиб бормаётирлар.

Пискент районида 16 а'зодан 5 киши, Бекобод районида 12 а'зодан 3 киши, Ўртасарой районида 9 а'зодан фақат бир киши лекция ўқишда қатнашади. Бекобод районида жамиятнинг 27 а'зосидан фақат бир киши қишлоқ хўжалик мутахассиси, бир киши врач, Паркент районида жамиятнинг 26 а'зосидан 2 киши қишлоқ хўжалик мутахассиси. Қорасув районида эса, битта ҳам қишлоқ хўжалик мутахассиси жамиятга жалб этилмаган.

Бу аҳволга фақат жамият район бўлимларининг фаолиятсизлигигина эмас, меҳнаткашлар ўртасида лекция пропагандасини яхши йўлга қўйишдан тўла манфаатдор бўлган партия ташкилотларининг бу муҳим ишга аҳамият бермаётганликлари ҳам сабаб бўлмоқда.

Мисол учун, Оҳангарон районини олайлик. Бу районда жамият бўлимининг ташкил этилганига қарийб 5 йил бўлди. Гарчи биринчи йилларда лекция пропагандаси соҳасида бироз иш қилинган бўлса ҳам, кейинги йилларда сиёсий-оқартув ишининг бу муҳим соҳаси бирмунча сусайтириб юборилди. Йил бошидан бери районда сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамият томонидан 30 га яқин лекция ўтказилиб, шундан атиги 3 таси маҳаллий лекторлар томонидан ўқилган. Бундан, балки, районда етарли куч йўқдир, деган фикр туғилиши мумкин. Асло бундай эмас. Ўз билимларини омма ўртасида тарқатишга тайёр бўлган Набиев, Маҳбубов ўртоқлар каби олий ма'лумотли агрономлар, Мусаев, Олимжонов, Ўрунбоев ўртоқлар каби малакали врачлар, Қаюмов, Фаттоҳиддинов ўртоқлар каби юристлар ва бошқа кўпгина мутахассислар ҳамда партия, совет ходимлари бор. Лекин жамият район бўлимининг секретари ўртоқ Носиров уларни лекция ўқишга жалб этмаётир.

Оҳангарон районининг партия ва ҳукумат томонидан ўз олдига қўйилган муҳим хўжалик вазифаларини бирнеча йиллардан бери тўлиқ бажараолмай келаётганига район меҳнаткашлари ўртасида тарбиявий ва идеология ишларининг яхши йўлга қўйилмагани ҳам сабаб бўлмоқда. Шунга қарамай район партия комитети (секретари ўртоқ Муҳамедов) меҳнаткашлар ўртасида лекция пропагандасини кучайтириш, жамиятнинг район бўлими ишини жонлантириш, лектор кадрлар танлаш ва уларни тарбиялаш масаласи билан етарли шуғулланмаётир.

Илмий ва сиёсий билимларни тарқатувчи жамиятнинг область бўлими жамиятнинг шаҳар ва район бўлимларига жойларда лекторлар учун консультациялар ташкил қилиш, лекция текстларини рецензия қилиш йўли билан амалий ёрдам кўрсатишга етарли э'тибор бермаётир, уларнинг ишига яқиндан туриб жонли раҳбарлик қилмаётир.

Отоқли лекторлар, олимлар, мутахассислар областьдаги колхоз ва совхозларга, МТС ва корхоналарга бориб семинарлар ўтказмайдилар, лекция ўқимайдилар.

Жамият республика бўлимининг правлениеси (раис ўринбосари ўртоқ А. Мирзабоев) жамиятнинг маҳаллий бўлимларига қоғозбозлик йўли билан раҳбарлик қилмоқда.

Лекция пропагандаси соҳасида йўл қўйилган камчиликларга барҳам бериб, колхоз ва совхозларда, МТС ва корхоналарда лекцияларни мунтазам ташкил этиш, ўқиладиган лекцияларнинг мазмунли, юксак ғоявий савияда бўлишини та'минлаш йўли билан областимиз меҳнаткашларини КПСС Марказий Комитети Пленумлари томонидан қўйилган улуғвор вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишга сафарбар этайлик.

Рашид ТОҲИРОВ.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ СЕКРЕТАРЬЛАРИ УЧУН ДОКЛАДЛАР

Яқинда Чирчиқ шаҳар партия комитети саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва муассасаларнинг бошланғич партия ташкилотлари секретарьлари билан семинар ўтказди.

Семинарда бошланғич партия ташкилотларининг секретарьлари учун инструктаж берилди, шунингдек ишлабчиқаришга тааллуқли темаларда докладлар ўқилди. Ўзбекистон КП область комитетининг ходими ўртоқ Януш «Бошланғич партия ташкилотларида коммунистларни ҳисобга олиш ва партия хўжалигини олиб бориш ҳақида», шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ Мирзараҳимов «КПСС сафининг ўсиши ва ёш коммунистлар билан ишлаш» деган темада доклад қилдилар.

Шунингдек, семинар қатнашчиларига «Мастернинг ишлабчиқаришдаги роли», «Меҳнат унумдорлигини ошириш учун курашнинг аҳамияти ҳақида» ва бошқа темаларда ҳам докладлар ўқиб берилди.

В. СКОРОДУМОВ.

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

ЁШЛИК ДАФТАРИ

Яқинда Ўзбекистон Давлат Нашриёти «Ёшлик дафтари»ни[1] нашр этди. Бунда 70 га яқин авторнинг 90 дан ортиқ каттакичик ше'р ва ҳикоялари бор. «Ёшлик дафтари»га қатнашган ҳарбир автор ўз овози билан ёшлик симфониясига жўр бўлишга ва уни юқори пардага кўтаришга ҳаракат қилади. Биз унда оригинал асарлари билан китобхонларимизга анча таниш бўлиб қолган авторлар қаторида эндигина матбуотда кўринабошлаган Теша Сайдалиев, Шукрулла Файзуллаев, Турсунбой Маҳмудов, Маҳмуджон Ма'муров, Мамадали Умаров, Носир Фозилов каби ёшларни ҳам учратамиз. Айниқса, Санобар Ҳасанова, Э'тибор Охунова, Насима Юсупова, Ра'но Халилова, Карима Рўзиева сингари ижодкор қизларнинг номларини ўқиш қувончлидир.

Коммунистик партия ва Совет Ҳукумати халқ талантларининг барқ уриб ўсиши ва гуллаб яшнаши учун доимо ғамхўрлик қилиб, ҳаётни социалистик реализм методи асосида ёритишга, чинакам ҳаёт поэзиясини, ҳақиқат поэзиясини куйлашга чақирмоқда.

Тўпламга киритилган асарлар тематик жиҳатдан кўпқиррали, бадиий ранг-барангдир. Ёш шоир Теша Сайдалиевнинг «Партиямизга» ше'рида Коммунистик партияга муҳаббат ва садоқат ғояси ифодаланади. Ҳаваскор шоира Рокия Комилованинг «Ўзбекистон» ше'рида «қардош юртлар ичра тенгдош», «Жондан азиз» Ўзбекистон ва унинг ўзига хос сифатлари тасвирланса, Султон Акбарийнинг «Пишиқчилик» ше'рида «ҳур республикамизнинг тўкин ёзи», колхозчиларимизнинг ҳосил йиғиш учун қизғин кураши, тинч ва ҳалол меҳнати куйланади.

Тўпламдаги асарларда Коммунистик партияга муҳаббат темаси етакчи ўрин эгаллайди. Шоир Жуманиёз Жабборов ўзининг «Мангу унутилмас дам» ше'рида бу темани оригинал мисра'ларда муваффақият билан акс эттиради:

Йўқ!
Мен у дамни унутмайман ҳеч!
Қалбим,
Хотирамда абадий қолди.
Секретарь қўлидан
Ўша бахтли кеч
Ҳақиқий а'золик билетин олдим.
Қўлимда партбилет,
Зўр ҳаяжонда
Бир нафас
Сўзлашга келмади тилим.
Қанча кўз тикилди
Менга ўшанда!

Ёшларнинг кўпчилиги тинчлик, халқлар ўртасидаги мустаҳкам дўстлик, коммунистик интернационализм темаларини зўр муҳаббат билан куйлайди. Шотурсун Ғуломовнинг «Тинчлик байрами», Солия Турсунхўжаеванинг «Катеринага мактуб», Юсуф Шомансуровнинг «Катеринанинг сўзи» ше'рлари ана шу темаларда ёзилган.

Партия ва ҳукумат кўрсатмаларидан илҳомланган ижодкор совет халқи улкан, асов дар'ёларни жиловлаб, коммунистик иншоотлар — қудратли ГЭСлар қурмоқда, асрий чанқоқ чўлларни сувга сероб қилиб, янги ерларни ўзлаштирмоқда, чўл бағрида бўстонлар барпо этмоқда. Ҳ. Шарипов («Ирода»), Орифжон Икромов («Эски Ангор канали»), каби ёшларнинг ше'рлари халқимизнинг худди мана шу қаҳрамонликларига бағишланади. Маҳмуджон Ма'муров ўзининг «Аҳд» ше'рида ҳаётий бадиий образ яратиб, ёш қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини равшан чизиб беради.

Ёш шоир Душан Файзиевнинг мурожаат приёмида ёзилган «Раҳмат, доктор опа!» ше'ри ўзининг эмоционаллиги билан диққатга сазовордир. Шоир содда ва равшан мисра'лар орқали медицина фанимизга, врачларимизга ҳурмат ва миннатдорчилик ҳисларини ифодалайди. Шунинг билан бирга «мулла эшонларнинг дуо ўқишига», ҳечқандай илмий асосга эга бўлмаган «эмлатиш» ва «тумор» каби бид'атларга қарши ла'натлар ўқийди. Шоир ёш врач аёлга мурожаат қилиб шундай дейди:

Ойим айтиб қолди,
Бобом умри бўйи —
Кўз оғриқ дардидан экан беҳузур.
Ўқитиб,
Эмлатиб,
Тиктириб тумор,
Шўрлик охирида бўлган экан кўр!
Қани энди бўлса,
Чол бечоранинг —
Кўзини очсангиз,
Кўрса дун'ёни!
— Раҳмат, қизим, — дея,
Сизни ўпсаю,
Ла'натга буюрса тумор, дуони...

Шоир фикрни образли ва равон мисра'ларда «Зўр врач», «Цехлар қучоғида кўрдим ўзимни», «Минг йиллар яшашни истайсан киши», «Баҳор қуёшидек кўзим тўла нур» каби оригинал тасвирий воситалар орқали ифодалайди.

Тўпламда ғоявий ва бадиий жиҳатдан пухта ишланган бундай ше'рлар анчагина. Юқорида номлари қайд қилинган авторларнинг асарлари шакл ва мазмун э'тибори билан китобхон қалбидан чуқур жой эгаллайди. Авторларда поэтик изланиш сезилиб туради. Улар тема характерига мос келадиган форма танлаш, фикрнинг қуюқ ва жозибадорлигини та'минлаш учун интилганлар.

Абдуалим Каримовнинг «Баҳор», Турсунбой Маҳмудовнинг «Колхозчи қиз қўшиғи», Ғайрат Маҳмудовнинг «Буғдойзорда», Насима Юсупованинг «Алла» ше'рлари уларнинг халқ қўшиқлари приёмидан ижодий фойдаланиб, ғоявий ва бадиий пухта асарлар яратганлигини кўрсатади. Бу ше'рлар кўп жиҳатдан ҳозирги замон ўзбек халқ қўшиқларига яқиндир.

Тўпламда мактаб ёшигача ва ўқувчилар ҳаётидан олиб ёзилган бирнеча ше'р бор. Юсуф Шомансуровнинг «Қўғирчоқ», «И» ва «Ы» суҳбати» ше'рларини китобхон қониқиш билан ўқийди.

Поэтик мисра'лар фикрни ўзида аниқ ва равшан акс эттириши, шунинг билан бирга китобхон қалбини ҳаяжонга солучи ўткир ва та'сирчан бўлиши керак. Бу, албатта, шоирларимиздан жуда катта меҳнат ва маҳорат талаб қилади. Улар ше'рий техникани пухта эгаллаш билан бирга сўзларни танлаб, саралаб ишлатишлари, ҳарқандай сўз бирикмаси ҳам поэтик ма'но бераолмаслигини эсда тутишлари лозим. Ҳаётни чуқур ўрганиб, бадиий маҳоратни пухта эгаллагандагина чинакам поэтик асар яратиш мумкин.

Тўпламга киритилган кўпгина ше'рлар айрим ёш авторларнинг бу соҳада етарли тажрибага эга эмаслигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам тўпламдаги айрим шер'ларда поэтик ҳарорат, эмоционал куч йўқ. Азиз Абдураззоқовнинг «Янги йил телеграммаси» ше'ри ҳис-ҳаяжонсиз ёзилган. Толиб Йўлдошнинг «Ёрдамчи пионерлар» ше'ри газета хабарига ўхшаб қолган. Нурхон Набижоновнинг «Волга-Дон каналига» ше'рида фикрий чалкашликларга йўл қўйилган.

Табиийки, ёшларда тақлидчилик устун бўлади. Лекин ўз йўлини топиб олган киши бошқаларга эргашмайди. Аммо ба'зи авторларнинг ше'рлари уларнинг мустақил йўл топиш учун курашмасдан балки бошқаларга эргашишини кўрсатади. Шукрулла Файзуллаевнинг «Дала йўлида» ше'ри Уйғуннинг «Назир отанинг ғазаби» ше'рини эслатади. Уларнинг фарқи шуки, Уйғунда қаҳрамон Назир ота-чол бўлса, бу ше'рда кампир. Унда «ёмғир» томчиласа, бунда «пахта» йўлга тўкилган бўлади. Худди шунингдек, бундай тақлидчилик Сайёрпўлат Файзуллаевнинг «Шуҳратжон ва'да берди» ше'рида ҳам аниқ кўриниб турибди. Бу ше'р шоир Уйғуннинг «Қорбобо» ше'рининг ўзгартирилган, тўғрироғи, бузилган вариантидир. Уйғун бола характерини очиш учун ма'лум сабаблар қидириб топади ва буни ишонарли деталлар орқали оригинал, бадиий мисраларда кўрсатади. Унда боланинг савол бериши учун мантиқий асос бор. Лекин Сайёрпўлат Файзуллаевда бу нарса ғоят кучсиз. Файзуллаев бола характерини очиб беролмаган. Ше'рда фақат боланинг онаси гапиради, холос. Ше'р охирида ҳечнарсадан ҳечнарса йўқ онасининг:

Кимки дўстлари билан
Уришса, қилса ғавға, (?!)
Қорбобо хафа ундан
Бермайди унга совға

деган сўзларини эшитган Шуҳрат:

— Ойи бир иш қиламан.
Қорбобо келишига,
«Тўрт»ларни «беш» қиламан, —

деб ва'да беради. Ҳолбуки, юқорида Шуҳратжоннинг ёмон ўқиши, дўстлари билан уришганлиги ҳақида ҳечқандай гап-сўз йўқ. Шуҳрат қор ёғаётганлигини кўриб онасига савол беради, холос. Шоир буни унутади-да, сабабсиз оқибат излайди. Бу албатта, тақлидчиликнинг ёмон натижасидир.

Ба'зи авторлар бир ше'рда бир сўзни қайта-қайта ишлатаверадилар. Нурмат Турмуҳамедовнинг «Ҳосил» ше'ри шу тахлитдаги ше'рдир. Шоир ше'рнинг учинчи қаторида «заррин кокилини йиғиб олди ой» деб ой ёруғлигини зарга ўхшатса, олтинчи қаторида: буғдойзорни «заррин денгиз» деб айтади. Худди шу шер'нинг ўзида «ерга боқарди», «ерга тикилиб», «шундай ерларни», «Бу ерга келиб» «ерларни очганимизда», «ердан» каби сўз ва бирикмаларни учратамизки, булар албатта, авторнинг назарий ва амалий жиҳатдан заиф эканлигини кўрсатади. Бундай нуқсонлар бошқа шоирларнинг ше'рларида ҳам бор.

«Ёшлик дафтари»нинг проза қисмида Ж. Абдуллахонов, С. Анорбоев, П. Қодиров, А. Ирисов, Р. Комилов ва бошқаларнинг ҳикоя, очерклари босилган. Улар ўз асарларида ҳозирги куннинг актуал масалаларини кўтаради ва буни бадиий ёритиш учун интиладилар.

Дидактик темадаги Ж. Абдуллахоновнинг «Она ҳурмати» ҳикояси бирмунча дуруст ёзилган. Ҳикояда мактабда а'лочи бўлиб, уй ишларига кўмаклашмайдиган болаларнинг ёмон ҳулқи танқид қилинади. Ҳикоя композицион ихчам. Автор ҳикоя ичида ҳикоя қилиш приёми орқали ўз ғоясини ишонарли қилиб ифодалашга эришган. Аммо шу билан бирга унда ба'зи бир камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Асарда Наталья Петровна воқиаси кўп ўринни эгаллаб, унинг бош қаҳрамонлари тўғрисида кам гапирилган. Шоиранинг портрети чизилмаган. Асосий қаҳрамон Ҳулкар асар охирида тилга ҳам олинмайди. Шоира бирданига яхши ўқучи бўлиб қолаколган. Ҳолбуки Ҳулкар билан Шоира ўртасидаги муносабат янада бўртдирилиши, асарнинг конфликти янада кескинроқ тус олиши лозим эди.

С. Анорбоевнинг «Шерали» ҳикояси чорвачилар ҳаётидан олиб ёзилган. Ҳикояда қаҳрамонлар характерини уларнинг руҳий кечинмалари билан боғлиқ ҳолда очишга ҳаракат қилинади. Лекин бунда ҳам айрим камчиликлар йўқ эмас. Автор ҳикоя руҳига сингмайдиган ортиқча детальларни кўп киритади. Шералининг сув боғлашини акс эттиручи эпизоди зўрма-зўраки бўлиб қолган. Авторнинг бу эпизодни Шералини «қаҳрамон» қилиб кўрсатиш, Зиёдахон билан «учраштириш» учун атайин киритганлигини ўқучи билиб туради ва бу ҳодисанинг ҳаққонийлигига ишонгиси келмайди. Шунингдек 10-нчи синфни тугатган онгли, идрокли Шералининг «Менинг юлдузим ёруғмикин, хирамикин?» деб фол боқиши ҳам жуда сохта.

Турғун Пўлатнинг «фавқулодда ҳолат» ҳажвий ҳикояси, Рустам Комиловнинг «Имтиҳон» ҳикояси ва бахтиёр болаларимизни коммунистик руҳда тарбиялаш темасида ёзилган Ғаффор Мўминов, Карим Раҳимов, Носир Фозиловларнинг ҳикоялари ҳам, уларнинг айрим камчиликларидан қат'ий назар оригиналлиги билан бу авторларнинг ўз устларида жиддий ишлаб бораётганларидан дарак беради. Улар ҳаёт ичига чуқур кириб борсалар, бадиий маҳоратни эгаллаш учун тинмай курашсалар, албатта яхши асарлар яратиб бераоладилар. Улар ўз асарларида ҳозирги куннинг илғор кишилари образини, ёшларимиз ибрат оладиган ижобий қаҳрамонлар образини яратиб беришлари, олға юришимизга халақит берадиган ҳарқандай эскилик сарқитларини аёвсиз фош қилиб ташлашлари керак.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, «Ёшлик дафтари» тўпламининг V китоби ўзбек адабиётининг кейинги йиллардаги ҳолатини, ёш ижодий кучларнинг адабиётимиз майдонига дадил қадамлар билан кириб келаётганлигини, уларнинг сафи тобора мустаҳкамланабораётганлигини кўрсатучи чинакам ёшлик дафтаридир. Ўзбекистон Давлат Нашриёти бу китобни нашр этиб, китобхонларимиз учун муносиб иш қилган. Бу яхши традиция давом эттирилиши, «Ёшлик дафтари»нинг навбатдаги сони янги номлар ва турли жанрлардаги асарлар билан янада бойитилиши лозим.

Фатҳиддин НАСРИДДИНОВ.

[1] «Ёшлик дафтари» Ўзбекистон ёш ёзувчиларининг асарлари. V китоб. 1955 йил. Тошкент. Редактори Мирмухсин. Тўпловчи В. Рўзиматов.

МАИШИЙ ТЕМАДА

Биринчи кирювиш хонаси нега э'тибордан четда

Тошкентдаги 1-нчи кирювиш хонасининг аҳоли эҳтиёжи учун хизмат қилишда тутган мовқеи жуда катта. Бу кирювиш хонаси 1930-нчи йилда қурилган бўлиб, биринчи даврларда фақат Госбантрест (меҳмонхона-ҳаммом хўжалиги трести)га қарашли хўжаликларга хизмат қилар эди. Кейинчалик эса, шаҳар аҳолисига ҳам хизмат қилабошлади.

Бу кирювиш хонаси бирнеча йилдан буён давлат планини ортиғи билан бажариб келади. Шу йилнинг ўтган яримйиллик планини 105,88 процент бажарди. Бунинг эвазига Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалиги министрлигига қарашли Госбантрестнинг кўчма Қизил байроғини олди.

Мана шунга кўра, юзаки қараганда, кирювиш хонасида ишлар жойида деб баҳолаш мумкин. Аслида эса бундай эмас. Кирювиш хонаси шаҳардаги жуда кўп муассаса ва аҳолининг талаб-эҳтиёжини мутлақо қондираолмаётир. Жуда кўп ташкилот ва шахслар ўз кирларини топшириш учун 3 — 4 кун, ҳатто ундан ортиқ вақт навбат кутиб, авора бўладилар. Кирювиш хонаси томонидан қабул қилинган кирлар 10 кун муддат ичида эгаларига қайтариб берилиши керак. Броқ, кир эгалари ойлаб ўз кирларини тоза ва дазмолланган ҳолда ололмай жиғибийрон бўладилар. Бунга август ойининг бошларида 108 та оқ халат топширган 19-нчи поликлиника хизматчиси, 61 килограмм кир топширган касабачилик ҳаракати мактаби ходими, 31 килограмм кир топширган Округ офицерлар уйи вакили шу вақтга қадар ўз кирларини ололмаётганликларини мисол қилиб кўрсатсак кифоя. Сарсон бўлиб юрган бундай ташкилот ва шахслар жуда кўп. Буларнинг кирларини қачон олишлари ҳали нома'лум.

Бунга сабаб нима? Сабаб шундаки, кирювиш хонасининг ишлабчиқариш шароити турли ташкилот ва аҳолидан келган кирларни ўз вақтида ювиб, дазмоллаб бериш имкониятини бермайди. Я'ни кирювиш хонаси цехи талабга жавоб берарли даражада қайта қурилиб кенгайтирилмаган. Берилган план ва иш ҳажмига қарағанда бу ерда кирларни қабул қилиш учун 3 та хона (ҳозир битта, у ҳам тор), қабул қилинган кирларни сортировка қилиш учун камида 2 та хона (ҳозир битта ҳам йўқ) бўлиши керак. Шунингдек йиртилган кийим-кечакларни ямаш ва уларга белги (адашиб кетмаслиги учун) қўйиш учун ҳам алоҳида хона ажратилган бўлиши керак. Кирлар машина ва қўл билан битта хонада ювилади, шу ерда чайилади ҳам. Ваҳоланки, бу ишлар алоҳида-алоҳида хоналарда бажарилиши зарур. Ювилган кирларнинг 150 килограмми ховлидаги дорга ёйилиб офтобда, 450 килограмми эса, болахоналарда буғ ёрдами билан қуритилади. Айниқса қиш мавсумида катта қийинчилик туғилади. Томларнинг туникаси изғитешик, кирларга чакка томиб доғ туширади ва бу кирлар қайта ювилади. Энг ачинарли нарса шуки, ховлига ёйилган кирлар устига ёнбошдаги қўшни — 3-нчи ҳаммом трубасидан ёзин-қишин қурум ёғилиб туради. Бу нарса кирювиш хона ишчиларини ҳамавақт газаблантириб келмоқда. Чунки, аксари пайт бир иш, икки ишга айланмоқда. Бундай камчиликларни саналб тамом қилиб бўлмайди. Дазмолхона тор, 16 дазмолчи аёл бир хонада бир-бирларига халақит бериб ишлашади. Кирларни ўзи қуритиб, бир йўла ўзи дазмоллайдиган машина Госбантрестнинг айби билан 4 — 5 йилдан буён олинмайди.

Бу кирювиш хонасида химчистка цехи ҳам бор. Бу цехдаги аҳвол кирювиш цехидаги аҳволдан ҳам бешбаттар. Аввало шуни айтиш керакки, бу цех аллақачон оҳари тўпиб кетган, пасқам эски саройга жойлашган. Химчистка ва бўяш ишлари блан 11 мутахассис мастер шуғулланади. Улар резинка этик кийиб, халқоб бўлиб қолган сув ичида турибишлайдилар. Қабул қилинган кийим-кечакларни қўйиш учун жой йўқлигидан бир бурчакка тоғ қилиб уйиб қўйилади, кийимлар оёқости бўлиб ётади. Уларни химчисткадан ўтказгандан кейин ёйиб қуритадиган жой етишмайди.

Кирювиш хонасининг директори Алиева, ишлабчиқариш бошлиги Увайдов ўртоқлар бу камчиликлар ҳақида Госбантрест бошлиги ўртоқ Девликамовга гапираверіб оғизлари оғриди, қатнайверіб тинкалари қуриди. Охири шаҳар ижроия комитетининг собиқ раиси ўртоқ Юсуповага мурожаат қилиб, ҳар йили кирювиш хонасидан давлатга келтириладиган бир миллион сўмга яқин даромаднинг оз қисмини сарфлаб, цехларни кенгайтириб беришни илтимос қилдилар. Ўртоқ Юсупова кирювиш хонасига келиб, ҳақиқий шароит билан танишди ва Госбантрест бошлиги Девликамовга тезликда қўшимча бино қуриш ҳақида кўргазма берди. Шу йил 10 августда қурилиб, цех учун жиҳозланиши керак бўлган бинонинг фундаментига тўрт қатор ғишт терилганича, қурилиш ишлари ҳануз ҳаракатсиз ётипти.

Химчистка цехининг 8 та филиали бор. Пушкин кўчасидаги меҳмонхона, «Тошкент», «Ўзбекистон», «Зарафшон» меҳмонхоналари ҳузуридаги, 2 — 3 — 14 ва 15-нчи ҳаммом ҳузуридаги филиаллардан ҳарқуни бу ерга 1000 га яқин кийим-кечак келиб туради. Аммо, химчистка цехи бир кунда атиги 150 та кийимни химчисткадан чиқараолади. Қабул қилинган устибошларни ўз вақтида тайёрлаб узлаштиришга кенгайиб бормоқда. Ўтган йили колхоз 1630 гектар ерга экин экқан бўлса, бу йил 1765 гектар ерга экин экди. Юзлаб гектар қўруқ ер ўзлаштирилди. Колхозчилар ўтган йили 950 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 28,5 центнердан ҳосил олган бўлсалар, бу йил шу майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар.

«Красная заря» колхозининг а'золари пахтадан мўл ҳосил олиш учун курашиб, прогрессив методларни жадиллик блан амалга оширмоқдалар. Бу йил қарийб 400 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экдилар ва ғўза қатор ораларини кўндалангига ҳам ишладилар.

Фидокорона меҳнат қилган Бўрибек Усканов бошлиқ бригаданинг а'золари ички резервларни тўла ҳисобга олиб, 71 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 39 центнер ўрнига 40 центнердан ҳосил олиш учун қўшимча мажбурият олдилар. Ўтган йили ҳар гектар ердан 33 центнердан пахта ҳосили олган Солижон Каримов бошлиқ бригаданинг а'золари эса 75 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. 6-нчи бригаданинг Мунисхон Маҳмудова, 2-нчи бригаданинг Тожихон Ҳошимова бошлиқ звено а'золари ҳам 40 центнердан пахта ҳосили олишга аҳд қилдилар.

Колхозда 1955 йил чорвачилик плани муваффақиятли бажарилди. Чорва учун мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтирилди. 628 гектар ердаги беда уч марта ўриб олинди. Колхозда паррандачилик, асал аричилик ишларига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу йил колхоз правлениеси хўжаликнинг янги тармоғини вужудга келтирди. 1 гектарлик кўлда балиқчилик ташкил этилди. Бу ҳам колхозга минглаб сўм қўшимча даромад келтирмоқда. Юқори ҳосил усталари бўлган бу колхознинг а'золари қувноқ ҳаёт қурмоқдалар.

Кейинги икки йил мобайнида колхозчилардан 100 дан ортиқ киши яхши уй-жой қуриб олди. Ҳозир колхознинг шаҳар тусига кириб бораётган кўркам қишлоғида янги-янги уйлар кўпроқ қад кўтармоқда. Бу янги уйларнинг кўпига телефон симлари тортилган. Колхоз правлениеси 2 та мактаб биноси, ўқитувчилар учун 6 та уй қуриб берди.

Бундан бирнеча ой илгари колхознинг 60 гектарли боғи ўртасида 3 қаватли хашаматли бино қад кўтарди. Бу колхозчиларнинг дам олиш уйига айлантирилди. 20 метр узунликдаги катта бинонинг учинчи қавати шийпон. Бунда гир-гир эсиб турган майин шабада таниларга ҳузур бағишлайди. Бу жой жуда ажойиб ва хуш манзара. Ундан туриб атрофга қараган киши фақат «Красная заря» колхозинигина эмас, қўшни Фрунзе номли, Андреев номли колхоз қишлоқларини, бепоён пахта далаларини, Сирдар'ё қирғоқларини бемалол кўраолади. Унинг атрофидаги 8 гектар ерда анор, 1 гектар ерда анжир, 12 гектар ерда ток, қолган ерларда эса олма, ўрик, шафтоли боғи.

Дам олиш уйида Мунисхон Маҳмудова, Тожихон Ҳошимова каби илғор звено бошлиқлари, Солижон Каримов, Бўрибек Усканов сингари бригада бошлиқлари, Турғунбой Маманов, Алибой Жалилов, Турсун Шеранов, Йўлдошбой Ўринбоевдек ажойиб сувчилар, минг гектарчи Қурбон Холжигитов, Икром Яҳ'ёев сингари механизаторлардан 50 киши дам олмоқда. Дам олиш уйида кровать, матрац, кўрпа, ёстиқ, простина ва бошқа жиҳоз-ашёлар етарли. Кечаси дам олучи колхозчиларни машина блан ишга олиб бориб, олиб келиш чоралари кўрилди. Бу ишлан колхозчилар хурсанд бўлаётирлар.

Бу йил колхозчиларнинг болалари учун Жиззах тоғида пионерлар лагери ташкил қилинди. У ерда 25 бола 20 кун дам олиб қайтди.

«Красная заря» колхоз правлениесининг бу ташаббуси колхозчиларни янада унумли меҳнат қилишга руҳлантирмоқда.

Б. ХАЛИЛОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.



Оҳангарон кончиларининг клуби кечқурунги пайтларда гавжум бўлади. Бу ерда ҳархил тўгараклар мунтазам ишлаб туради, лекция, суҳбатлар ўтказилади, юридик консультациялар, ёшлар кечалари уюштирилади. Клубнинг ўқиш залида ҳамавақт газета ва журналларнинг янги сонлари бўлади.

Суратда: кончилар клубининг ўқиш зали.

В. Лейзерович фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Колхозда дам олиш уйи

«Красная заря» колхози Гулистон районидаги юқори ҳосилли, ташкилий-хўжалик жиҳатдан тобора мустаҳкамланиб бораётган колхозлардан бири ҳисобланади. Колхознинг экин майдонлари йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Ўтган йили колхоз 1630 гектар ерга экин экқан бўлса, бу йил 1765 гектар ерга экин экди. Юзлаб гектар қўруқ ер ўзлаштирилди. Колхозчилар ўтган йили 950 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 28,5 центнердан ҳосил олган бўлсалар, бу йил шу майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар.

«Красная заря» колхозининг а'золари пахтадан мўл ҳосил олиш учун курашиб, прогрессив методларни жадиллик блан амалга оширмоқдалар. Бу йил қарийб 400 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экдилар ва ғўза қатор ораларини кўндалангига ҳам ишладилар.

Фидокорона меҳнат қилган Бўрибек Усканов бошлиқ бригаданинг а'золари ички резервларни тўла ҳисобга олиб, 71 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 39 центнер ўрнига 40 центнердан ҳосил олиш учун қўшимча мажбурият олдилар. Ўтган йили ҳар гектар ердан 33 центнердан пахта ҳосили олган Солижон Каримов бошлиқ бригаданинг а'золари эса 75 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. 6-нчи бригаданинг Мунисхон Маҳмудова, 2-нчи бригаданинг Тожихон Ҳошимова бошлиқ звено а'золари ҳам 40 центнердан пахта ҳосили олишга аҳд қилдилар.

Колхозда 1955 йил чорвачилик плани муваффақиятли бажарилди. Чорва учун мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтирилди. 628 гектар ердаги беда уч марта ўриб олинди. Колхозда паррандачилик, асал аричилик ишларига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу йил колхоз правлениеси хўжаликнинг янги тармоғини вужудга келтирди. 1 гектарлик кўлда балиқчилик ташкил этилди. Бу ҳам колхозга минглаб сўм қўшимча даромад келтирмоқда. Юқори ҳосил усталари бўлган бу колхознинг а'золари қувноқ ҳаёт қурмоқдалар.

Кейинги икки йил мобайнида колхозчилардан 100 дан ортиқ киши яхши уй-жой қуриб олди. Ҳозир колхознинг шаҳар тусига кириб бораётган кўркам қишлоғида янги-янги уйлар кўпроқ қад кўтармоқда. Бу янги уйларнинг кўпига телефон симлари тортилган. Колхоз правлениеси 2 та мактаб биноси, ўқитувчилар учун 6 та уй қуриб берди.

Бундан бирнеча ой илгари колхознинг 60 гектарли боғи ўртасида 3 қаватли хашаматли бино қад кўтарди. Бу колхозчиларнинг дам олиш уйига айлантирилди. 20 метр узунликдаги катта бинонинг учинчи қавати шийпон. Бунда гир-гир эсиб турган майин шабада таниларга ҳузур бағишлайди. Бу жой жуда ажойиб ва хуш манзара. Ундан туриб атрофга қараган киши фақат «Красная заря» колхозинигина эмас, қўшни Фрунзе номли, Андреев номли колхоз қишлоқларини, бепоён пахта далаларини, Сирдар'ё қирғоқларини бемалол кўраолади. Унинг атрофидаги 8 гектар ерда анор, 1 гектар ерда анжир, 12 гектар ерда ток, қолган ерларда эса олма, ўрик, шафтоли боғи.

Дам олиш уйида Мунисхон Маҳмудова, Тожихон Ҳошимова каби илғор звено бошлиқлари, Солижон Каримов, Бўрибек Усканов сингари бригада бошлиқлари, Турғунбой Маманов, Алибой Жалилов, Турсун Шеранов, Йўлдошбой Ўринбоевдек ажойиб сувчилар, минг гектарчи Қурбон Холжигитов, Икром Яҳ'ёев сингари механизаторлардан 50 киши дам олмоқда. Дам олиш уйида кровать, матрац, кўрпа, ёстиқ, простина ва бошқа жиҳоз-ашёлар етарли. Кечаси дам олучи колхозчиларни машина блан ишга олиб бориб, олиб келиш чоралари кўрилди. Бу ишлан колхозчилар хурсанд бўлаётирлар.

Бу йил колхозчиларнинг болалари учун Жиззах тоғида пионерлар лагери ташкил қилинди. У ерда 25 бола 20 кун дам олиб қайтди.

«Красная заря» колхоз правлениесининг бу ташаббуси колхозчиларни янада унумли меҳнат қилишга руҳлантирмоқда.

Б. ХАЛИЛОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Сатира ва Юмор

БЕҒАМ РАИС

Жумабой ака ба'зан
Ташвиш-да хаёл қилар:
Кўз ўнгида қўй-қўзи,
Сигир-бузоқ, йилқилар...

Аёзли қиш ташвиши
Хаёлидан ўтади,
Ем-хашак тўплаш иши
Бошланишин кутади.

— Ёз фасли ўтиб борар,
Ҳозирлик қуролмадик.
Тўқайдек пичанларни
Вақтида ўроолмадик.

У ўзин босган бўлур
Сабр блан нечоғлик.
Ахир раисдан лозим,
Бир қайишай, демоғлик.

Мана бугун кўкламги



Зўр ва'далар не бўлди
Юзлаб гектар жўхори
Ўт ичида кўмилди.

Жўхори бу, силос-ку —
Чорва моллар емиши.
Раис, ҳосилотларнинг
Бу ишга йўқдай хуши.

Силос ишоотлари
Кўп ерда тайёр эмас,
Раис блан ҳосилот
Чорва ғамини емас.

Муҳим ишга виждонан
Асти қарашмас булар.
Букдайларнинг ҳолига
Эртага эл-юрт кулар.

Толиб ИЎЛДОШ.

МИРАХРОР

Қўлларида қўш бедона, тўш керик,
Ҳардоимо саҳол қирик, қош терик,
Саёқларга гоҳ бегона, гоҳ шерик;
Маҳаллининг димоғдори Мирахрор,
Ҳамда беор, беқарори Мирахрор.

Кўринг-кўрманг бекорчидир қишу-ёз,
Броқ, доим пулга ма'мур, юриш ғоз,
Кийимлари қават-қават нақ пиёз,
Суҳбатлашсанг кўрсу, эзма, димоғдор,
Яхши хислатлардан йироқ Мирахрор.

Қавердандир бир ис чиқса тайёрдир,
Қумурсқадек исиаб топар, айёрдир,
Доим ичиб шилқимланар, беордир;
Халойиққа шармандаи-шармисор,
Одоб надир, билмас зинҳор Мирахрор.

Та'магирлик қилур ба'зан ошкора,
Бадфе'ллиги ортиб борур тобора,
Қилмишлари бўлган элга овоза,
Бирга юрсанг насофатдур Мирахрор,
Маҳаллага маломатдир Мирахрор.

Ямин ҚУРБОНОВ.

Ари блан чумоли

(масал)

Сариқ ари бир куни
Чумолидан сўради:
«Нима учун одамлар
Мени ёмон кўради!?

Қачон кўрсам мақташар
Асал ари — қўшнимни.
Мақташинда менинг ҳам
Олтин рангли тўнимни!»

Бу сўзларни эшитиб
Кулди ишчан Чумоли!
— Дўстим, — деди, —
текинхўр —



Савдогарсан мисоли,

Совдагар ҳам ғинғиллаб,
Мақтар зарбоб тўнини.
Халққа фойда келтирмай,
Ўтказар ҳар куннини

Суриштирсанг аслини
Элу юртнинг гапи-гап.
Ишла сен ҳам халқ учун
Асал арига ўхшаб.

Қ. МУҲАММАДЖОН.

ЯНГИ КИТОБЛАР

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока», «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриёти қуйидаги брошюраларни нашр этди:

А. Г. СТОЛЯРОВА. — Ҳайвон организмида регенерация (тикланиш) процесслари. 24 бет, тиражи 45.000, баҳоси 40 тийин.

Ғ. Р. АЗИЗОВ. — «Юқумли ичак касалликлари». 24 бет, тиражи 45.000, баҳоси 40 тийин.

З. М. ПУДОВКИНА. Қишлоқ хўжалик фанлари кандидати. — «Ғўза биологияси», 40 бет, тиражи 45.000 баҳоси 80 тийин.

В. А. МАСЛЕННИКОВ. — «Мўғулистон халқ республикасида социализм асосларини қуриш», 52 бет, тиражи 45.000 баҳоси 80 тийин.

Г. Л. — БОНДАРЕВСКИЙ. — «Ҳиндихитой халқларининг ўз миллий мустақилликлари учун курэши». 40 бет, тиражи 40.000, баҳоси 60 тийин.

Д. Л. ПЕРЕЛЬМУТЕР. — «Сариқ касали ва унинг олдини олиш», 28 бет, тиражи 45.000, баҳоси 40 тийин.

А. Г. ҒАНИЕВ. Жамият а'зоси. — «Ўқувчиларнинг мустақил ишлари». 38 бет, тиражи 45.000, баҳоси 60 тийин.

Шўрўзак пахтакорлари

Чўлнинг қоқ бағридан кесиб ўтган катта йўлнинг чап биқинида колхоз қишлоғи қад кўтарган. Қишлоққа келган киши унинг қиёфасида ҳали катта ўзгаришларни — йирик қурилишларни учрата олмайди. Ҳамма ерда ёғоч-тахтадан қурилган бир хилдаги иморатлар қаторлашиб турипти. Бу ерда кўча ва йўлкаларнинг қаердан бошланиб, қаерда тамом бўлганлиги ни ҳам билиб бўлмайди.

Уйлар оралиғидаги лахтак ерларда колхозчиларнинг томорқалари кўзга ташланади. Қишлоқда соя-салқин беручи, қишлоқ ҳуснига-ҳуси қўшучи азиқ дарахтлар ҳали йўқ. Яқинда ўтқазилган ниҳол кўчатлари чўл шамолидан енгил тебраниб турипти. Илгари қурилган уйлар атрофида қўй, эчкилар ерга чўкиб, тушки жазирамадан жон сақлаб, соя-салқинда дам олмоқдалар.

Қишлоқнинг шарқ томонида қурилаётган уйларда дурадгорлар, сувоқчилар ишламоқдалар. Ранда ва болғаларнинг овози бир минут ҳам тинмайди. Кетмон кўтарган бир ёш йигит янги уйлардан бирига келиб тўхтади, у, ҳали ойнаси ўрнатилмаган деразадан уйнинг ичкарисига бош суқиб қаради. Кейин кетмонни елкасига ташлаб, анҳор ёқалаб кетди. Унинг чеҳраси очиқ, хурсанд эди.

Қатордаги уйларнинг бирида қизил байроқ илпираб турипти. Иккихоналик бино пештоқи тепасига қизил байроқнинг бекор ўрнатилмаганлигини райком ходимидан билиб олдик. У, бизни олдинга бошлаб борар экан:

— Правление — идора ўша ерда, — деди.

Биз бинога яқинлашганимизда, ичкаридан ўрта бўйли, қорамтил, кўринишдан сергайрат ва эпчиллиги билиниб турган бир йигит чиқиб келди. У биз блан кўришиб, ўзини колхоз бошлангич партия ташкилотининг секретари Тўлаган Тожибоев эканлигини айтди.

Тожибоев бизнинг қишлоқ тарихи ва колхоз иши блан қизиқаётганлигимизни билиб, бу ҳақда ўз билганларини бирма-бир тушунтирабошлади. Парторг биэга қишлоқни кўрсатиб:

— Қишлогимиз янги, ҳали қурилиб битганича йўқ, — деди, у, ҳозир бошқа районлардан кўчиб келган пахтакорлар учун янги уйлар қурилаётганлигини айтди. Парторг ишлабчиқариш қурилишлари бошланмаганлигини кўзда тутиб гапираётган эди. Чиндан ҳам қишлоққа ҳашаматли иморатлар тикланмаган. Шунинг учун ҳам колхоз а'золари бу имкониятларни яратиш учун неча асрлардан буён бўш ётган ерларни очишга киришдилар.

— Биз кўчиб келганимизда бу ерлар худди туз сепгандек оппоқ шўрхок эди, —деди Тожибоев. У, ерга энгашиб заҳ, оппоқ тупроқни кафтига олди, унга тикилиб:

— Еримиз ана шундай нотавон ерлар эди. Биз бу ерларда дастлабки ишни шўр ювишдан бошладик. Зовурлар қазиб, ер зардобини оқиздик. Партия, ҳукуматимиз бизга катта моддий-техника ёрдамини кўрсатиб келди. Кучли тракторлар дала ишларимизни енгиллаштирди. Биз ер ортидан янги ерларни очабошладик.

Райком ходими суҳбатга қўшилиб, бу ерларни Шўрўзак массиви деб аталишидан, унинг ўтмиши ва ҳозирги обод кўркидан сўз очди. У, кейинги йилларда ҳарбир колхоз янги ерлар ҳисобига пахта етиштиришни икки баробар оширганликларини, бундан кейин ҳам пахта майдонлари кенгайиб боришини сўзлади.

Биз колхоз а'золарининг ҳаммаси бошқа районлардан кўчиб келганликларини, улар Мирзачўлдаги янги ерларни ўзлаштиришда ажойиб ватанпарварлик намуналарини кўрсатганликларини билдик ва қишлоқ қурилиши блан танишиб, пахта майдонларига йўл олдик.

Парторг бизни 1-нчи бригада бошлиғи Худойберди Ма'муров блан таништирди. Ма'муров бригадасига 80 гектар ер қарашли бўлиб, ҳар гектардан 20 центнердан пахта ҳосили етиштириш учун астойдил ғайрат қилинаётганлигини айтди.

Ғўзалари гуркираб ўсаётган яхлит карталарнинг эгатларидан ўтиб бормоқдамиз. Ёввойи ўтларнинг нишонаси ҳам кўринмайди. Пастки шохлари тўқ кўсакларидан оғирлашиб қолган. Пахтакорлар эгат оралаб, ҳарбир кўчатнинг ҳосилини кўнайтириш ва пахтани тезроқ очилтириб, йиғим-теримни бошлаб юбориш учун ғайрат қилмоқдалар.

— Ерларимизнинг шароити бир хилда эмас, ҳар картанинг ўз хусусияти бор, — дейди бригада бошлиғи. У, атрофни кўрсатиб, ер шароитини тушунтиракетди.

— Еримизнинг кўп қисми заҳкаш. Бу ерларда ғўза тез ривожланаолмайди. Бунинг устига ишловдан сал қолса, кутган ҳосилни бермайди. Биз кўшимча парвариш ўтказиб келмоқдамиз. Бунинг устига бу йил ғўзамиз торқаторлаб парвариш қилинмоқда. Бу янги усулдан ҳамма хурсанд.

Ма'муров бригада ерларида 5-нчи парвариш ўтказилганлигини, ҳозир ғўзани баргидан озиқлантириш олиб борилаётганлигини айтди. Бригада бу йил ўз аҳдининг устидан чиқиш учун ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда. Ма'муров ўз бригадасининг, шунингдек колхознинг бирнеча йилларидан буён пахта тайёрлаш йиллик планини бажармай келганлигини айтиб:

— Эндиликда ва'дага вафо қилмасликка ўрин йўқ! — деди. Бригадир бу сўзни алоҳида оҳанг блан та'кидлаб айтди. Бригада а'золари ўтган йилги аччиқ сабоқлардан тегишли хулоса чиқариб, пахта етиштиришни уюшқоқлик блан олиб боришга сўз берган эдилар. Улар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун йил бошидан буён фидокорона меҳнат қилиб келдилар. Натижада бригада ерларида ғўза парвариши яхши ўтказилди. Ҳар туп ғўзада 12—15 тадан кўсак етиштирилди.

— Бизни камқувват колхоз дейдилар, — деб сўз бошлади парторг ,сўнг у Ма'муров ғўзаларини кўрсатиб, — бундай мўл ҳосил етиштираётган колхозни камқувват деб бўлмайди, — деди.

Колхоз бу йил 440 гектар ерга чигит экиб, ҳар гектаридан 20 центнердан пахта ҳосили етиштириш учун курашмоқда. Колхозчилар ҳалол меҳнат қилиб, она-Ватанга ва'да этилган ҳосилни ортиғи блан етказиб бериш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар.

Ма'муров бошлиқ бўлган бригаданинг звено бошлиғи Абди Сафиев пахтакорликда катта тажриба ортдирган деҳқон. У, Зоминдан ўз оиласи блан Шўрўзакка кўчиб келганда, «бу ерни гулистонга айлантирамиз» деб ва'да берган эди. У, эндиликда шўрхок ерларни бўлиқ пахтазорга айлантириб, юқори ҳосил етиштириш учун ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда.

Сафиев тажрибали сувчи, забардаст кетмончидир. У, ўз звеносига қарашли 40 гектар ерни суғориш ишларини бошқариб келмоқда. 40 гектар ерда ғўза бир текисда яшнаб ўсмоқда.

Сафиев звено ерларини кўрсатиб, — биз ер шароитига қараб ишлаганлигимиз натижасида ғўзани яхши ўстириб олдик,— дейди. Дарҳақиқат звено ерлари бирхилда эмас. Шўрочиб, оқарган жойлар бор. Бундан ташқари сизот сувлари яқин бўлган захкаш карталар ҳам учрайди. Звено а'золари тупроғи нам унумсиз ерларда қўшимча парвариш ўтказдилар, ғўза қалинлигининг нормадагидек бўлишига эришдилар. Бундан ташқари культивация, чопиқ, суғориш ва озиқлантириш ишлари ҳам бир-бирига боғлаб ўз вақтида олиб борилди. Ана шундай ишлар натижасида ғўзанинг ривожланиши ва ҳосил тугиши бир текисда яхшиланди.

Суғоришни тўғри ва ўз вақтида ўтказиш — мўл ҳосил етиштиришнинг манба'идир. Шунинг учун Сафиев ҳарбир картани суғоришдан олдин айланиб чиқади, эгат ораларини кўздан кечиради, пастбаланд жойлардан қўшимча ўқариқлар очиб, сувнинг биртекис оқиши учун зарур чораларни кўради. Сафиев ғўзани кечаси, салқинда, бир меёрда суғоришга эришиб, гул ва тугунчаларнинг нобуд бўлмаслигини та'минлмоқда.

Звенонинг а'золари ҳам мўл ҳосил етиштиришда ўрнак кўрсатиб ишламоқдалар. Бибисара Сафиева, Ҳонимой Қўшиева, Барат Одиловлар ана шундай азамат пахтакорлардир. Улар пахта илмини яхши ўрганиб, мўл ҳосил устаси бўлиб қолганлар. Улар ғўза парваришн юзасидан белгиланган кундалик ишларни 1,5 — 2 баробар ортиғи блан бажариб келмоқдалар. Колхоз раиси Ким Владимир Иванович бу пахтакорларни «бизнинг илғор кишиларимиз» дейди.

Комсомол а'зоси Мамасоли Каттабеков комсомол-ёшлар уюшган 5-нчи бригадага бошчилик қилиб келмоқда. Бригада а'золари 70 гектар ернинг ҳар гектаридан 25 центнердан пахта етиштириш учун социалистик мажбурият олган. Комсомол а'золари Муртоз Одамқулов ва Мухтор Холматовлар бошлиқ бўлган звеноларнинг ғўзаси яхши парвариш қилинганлиги блан ажралиб туради. Холматов ўз ғўзаларини пахта теримигача парвариш қилиб, юқори ҳосил етиштиришни ва пахтанинг бир граммини ҳам нобуд қилмай, давлатга топширилажагини айтади. Илғор колхозчи Улмон Қаршибоева Холматовнинг сўзига қўшилиб,

— Биз пахтамизни ўз вақтида териб оламиз. Ўтган йили теримда бўшанглик қилиб, анча пахтамиз қор тагида қолиб кетди. Эндиликда бунга йўл қўймаймиз,— дейди.

Қўшни картани культивация қилаётган универсалчи Туроб Ҳазратов ўз машинасини увотга олиб чиқди. У, Ма'муров бошлиқ бўлган бригаданинг ғўзасини 5-нчи культивациядан батамом чиқариб, бошқа бригадага ўтаётган эди.

Трактор бригадасининг бошлиғи Гайбулло Бердиев Ҳазратовнинг моҳир механизатор эканлигини, у ҳозиргача минг гектарга яқин ерни сифатли культивация қилганлигини айтди. Ҳазратов «универсал»ни усталик блан бошқариб бормоқда. У, юрган эгатларда ёввойи ўтлар илдизи блан агдарилиб ётибди. Ёрнинг магзи донадор.

Бердиев бу йил колхозда ҳамма ерга торқаторлаб ва квадрат-уялаб чигит экилганлигини , механизаторлар янги усулда экилган чигитни ундириб олишда ва ғўза парваришини яхши ўтказишда намуна кўрсатиб ишлаб келаётганликларини айтди. Чиндан ҳам механизаторлар ғўза парваришининг бутун даврида ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шараф блан бажаришга отландилар. Туроб Ҳазратов Яҳ'ё Зиёев каби моҳир трактор чилар жуда усталик культивация нормаларини ошириб бажариб, юксак кўрсаткичларга эришдилар.

Ҳосилнинг тақдири ҳар жиҳатдан механизацияга боғлиқ. Буни яхши тушунган механизаторлар ғўза парваришини ўтказар экалар, ўсишдан қолган ғўзаларни ҳисобга олиб, уларнинг парваришига алоҳида э'тибор бердилар. Колхозда 40 гектар ердаги ғўза суст ривожланаборди. Айниқса, Умар Сафаров, Норбой Норқўзиев, Жумабой Юсупов бошлиқ бўлган 4, 6 ва 3-нчи бригадаларнинг ғўзалари ўсишдан қолиб, битта-иккита шох чиқариб, «қимирламай» тураберди. Бу аҳвол пахтакорларни ҳам, механизаторларни ҳам ташвишга солиб қўйди. Ўсишдан қолган ғўзалар масаласи колхозчилар йиғилишида, партия йиғилишида ҳам муҳокама қилинди. Агрономлар ва кекса пахта усталари блан маслаҳатлашиб, ўсишдан қолган ғўзаларни 2 марта қўшимча озиқлантиришга ва суғоришни кечиктирмай давом эттиришга қарор қилинди. Бу тадбирлар натижасида август ойи давомида ўсишдан қолган ерларда «жонланиш» пайдо бўлди. Ҳозир бу ерлардаги ғўзани кўрган кишининг ҳаваси келади.

Парторг Тожибоев адр беткасида қуёш нурларидан яшил баҳмалдай товланиб турган кенг пахта майдонларини кўрсатиб, — у ерлар янги ўзлаштирилган ерлар,—деди. — Колхоз бу йил баҳорда 100 гектар янги ер очиб, унга чигит экди. Пахта ерларига янги майдонлар қўшилди, экинзорлар яна кенгайди.

Колхозда пахтадан ташқари, бошқа хил қишлоқ хўжалиги экинлари ҳам етиштирилмоқда. Ҳозир колхознинг 155 гектар беда, 50 гектар шоли, 30 гектар маккажўхори ва 10 гектар сабзавот экинлари бор. Бу экинлардан мўл ҳосил етиштириш кутилади.

Қуёш уфққа бош қўйиб, далаларга кечки салқин тушди. Кетмон кўтариб, 2-нчи бригаданинг илғор звено бошлиғи Асад Раззоқов келди. У, бир оздан кейин ўз звеносига қарашли ерга сув таради.

— Биз етилмаган кўсакларни етиштириб олиш учун курашаяпмиз, — дейди Раззоқов. — Ҳозир пахта йиғим-теримини ҳам бошлаб юбордик. Шунга қарамай ғўза парваришини бир кун ҳам тўхтатмай, ҳар бир эгатдаги ғўзани яхши парвариш қилиш керак. Биз суғоришни ер шароитига қараб табақалаб ўтказмоқдамиз. Ҳарбир кўсакнинг етилиб, пахтага айланиши асосан сувга боғлиқ.

Сувчилар эгат олинган ерларни кўздан кечириб, ўқариқларни текшириб, тунги суғоришга жўнаб кетдилар.

Катта ер ёнидаги кенг хирмонда икки колхозчи қанорлардаги бугун терилган пахталарни пунктга жўнатиш учун машинага ортмоқда. Шийпонда кимдир қоп ва қанорларни кўздан кечираётир. Пунктдан қайтаётган бричкалар эса хирмонга яқинлашаётир.

Далада қизғин ҳаёт бир минут ҳам тўхтамайди. Пахтакорлар қадим вақтлардан буён Шўрўзак номи блан машҳур бўлган қақир чўлни обод қилиб, у ерда етиштирилган ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олиш учун курашмоқдалар. Улар илгари камқувват деб юритилган колхозларини юқори ҳосилли колхозга айлантириш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Шўрўзакнинг нафаси — унинг серҳосил ерлари ҳалол меҳнатнинг самарали натижалари эканлигини ёркин ифодалаб турипти.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ,
Верхне-волинск район, Калинин номли колхоз.

Япония парламент делегацияси Москвага келди

Япония парламент делегацияси СССР Олий Советининг таклифи билан 2 сентябрьда Москвага келди. Токутаро Китамура бошчилигидаги делегация составида Осаму Инаба, Гоичи Ито, Сичиро Ходзуми, Аецуо Ямада, Хисао Исино Каку Андо, Соичи Усуи, Хандзи Огава, Такадзо Като, Иосиро Кикучи, Тосио Кавамото, Масанобу Цудзи, Томоаки Найто, Масао Хиросе, Тамае Фукагава хоним, Матаичиро Окумура, Чиудзи Куно, Киионпо Нодзава, Дзюничи Фукуи, Сиоичи Аояма, Томодзо Акадзи, Каку Асика, Кацудзиро Нагаи, Кей Хоаси, Морито Морисима, Сиодзи Окада, Иосио Кодзаки, Токудзи Камеда, Сидо Онноси, Икко Касуга, Харудзи Тахара, Сатоко Тогано хоним, Такаичи Накамура, Хадзиме Танака, Ичиро Цунеока, Горо Судолардан иборат; делегация секретарьлари Кадзуо Накао, Юкио Уемура, Фусао Емаучи, Сейичи Кумагайи.

Япония ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган марказий аэропромда меҳмонларни СССР Олий Совети Миллатлар Совети Раисининг ўринбосари П. Т. Комаров, СССР Олий Советининг депутатлари А. Ф. Борисов, Ю. И. Дудин, М. С. Комаров, СССР Олий Совети Президиуми секретарининг ўринбосари А. Ф. Горкин, Министрларнинг ўринбосарлари С. В. Кафтанов, К. В. Русаков, Ю. В. Савинов, Н. Т. Федоренко, РСФСР Олий Советининг депутатлари М. В. Гоголева, Д. А. Поликарпов, П. Я. Кочина, В. И. Крестьянинов, Москва шаҳар Совети ижроия комитети Раисининг ўринбосарлари Н. И. Бобровников, С. М. Бутусов, З. В. Миронова, СССР Олий Совети Президиуми Канцеляриясининг бошлиғи Н. К. Козлов, СССР Ташқи ишлар министрлиги Узоқ Шарқ бўлимининг мудири И. Ф. Курдюков, СССР Ташқи ишлар министрлиги Протокол бўлимининг мудири Ф. Ф. Молочков, «Труд» газетасининг бош редактори Б. С. Бурков, «Вечерняя Москва» газетасининг редактори А. А. Фомичев, СССР Олий Совети Президиумининг Протокол бошлиғи Г. И. Фомин, Москва шаҳар Совети ижроия комитетининг секретари Б. Е. Родионов, Чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Бутуниттифоқ жамияти Правлениеси Раисининг ўринбосарлари Г. М. Калишьян ва Н. А. Визжилин, Чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Бутуниттифоқ жамияти Правлениесининг а'зоси Л. Д. Кислова, СССР Ташқи ишлар министрлигининг масъул ходими А. Н. Мамин, СССР Олий Совети Президиумининг масъул ходимлари, меҳнаткашлар депутатлари Москва шаҳар Советининг депутатлари, совет матбуотининг вакиллари кутиб олдилар.

СССР Олий Совети Миллатлар Совети Раисининг ўринбосари П. Т. Комаров делегацияга мурожаат қилиб бундай деди:

Делегациянинг жаноб раҳбарлари!

Парламентнинг жаноб депутатлари!

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети номидан сизларни Совет Иттифоқи пойтахти Москвага келишингиз муносабати билан табриклашимга ижозат беринглз.

Сизларнинг Совет Иттифоқига келишингиз Совет Иттифоқи ва Япония халқлари ўртасида ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ва дўстона муносабатлар ўрнатиш ишига хизмат қилади, деб умид қиламан. Мамлакатларимиз ўртасида бундай муносабатлар ўрнатилиши умумий тинчликнинг энг зарур манфаатларига мос бўлиб тушади, деб ишонаман. Совет Иттифоқи блан Япония ўртасида дипломатик муносабатларни тиклаш тўғрисида ҳозирги вақтда Лондонда музокаралар олиб борилаётган бир вақтда сизларнинг Совет Иттифоқига келишингиз шу вазифаларнинг амалга оширилишига, шубҳасиз, ёрдам беради.

Биз Сизларга совет кишиларининг турмуши, мамлакатимиз халқларининг тинч ва ижодкор меҳнати блан танишмоқ учун хурсанд бўлиб имконият берамиз.

Хуш келибсиз, азиз меҳмонлар!

Япония парламент делегациясининг бошлиғи Токутаро Китамура жавоб нутқи сўзлади. У айтдики, Япония парламент делегациясининг Москвага келиши Япония парламенти ҳаётида бахтли ҳодисадир. Совет Иттифоқини келиб кўришга қилинган таклиф бутун дун'ёда тинчликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Токутаро Китамура делегация хурсандлик блан кутиб олинганлиги учун чин қалбдан ташаккур айтди.

СССР Олий Совети Президиумининг масъул ходими Б. П. Токмаков Япония парламент делегациясига Иркутскдан Москвага етгунча ҳамроҳ бўлиб келди. (ТАСС).

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ҚУРОЛСИЗЛАНИШ КОМИССИЯСИ ҚИЧИҚ КОМИТЕТИНИНГ МАЖЛИСИ

НЬЮ-ЙОРК, 2 сентябрь. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қуролсизланиш комиссияси кичик комитетининг кеча тўртинчи мажлиси бўлди. Канада вакили Мартин раислик қилди.

Кичик комитетнинг мажлисидан кейин мухбирлар СССР вакили А. А. Соболевга бирқанча саволлар блан мурожаат қилдилар. А. А. Соболев саволларга жавоб бериб айтдики, ҳозирги вақтда кичик комитет Совет ҳукуматининг шу йил 10 майдаги таклифларини муҳокама қилмоқда. Бу таклифларни муҳокама қилиш вақтида қуролсизланиш тадбирларининг амалга оширилиши устидан контрольликни ташкил этишнинг ба'зибир жиҳатларига тааллуқли муҳим саволлар айтилди. Кичик комитет мажлисида ҳамма делегатлар шу масалани кичик комитетда вакиллари қатнашаётган ҳамма давлатлар учун мақбул бўладиган тарзда ҳал қилиш йўлларини қидириб топиш зарурлигини айтдилар.

А. А. Соболев Совет Иттифоқи қуроларогларнинг камайтирилиши ва атом қуролининг тақиқланиши устидан халқаро контроль ўрнатиш масаласига катта аҳамият бераётганлигини айтиб, шу блан бирликда Совет делегацияси Ғарб давлатларининг вакилларидан қурол-яроғларни камайтириш ва атом қуролини тақиқлаш тўғрисидаги асосий тадбирларга тааллуқли масалалар бўйича ўз фикрларини айтишларини илтимос қилди, деди. Бу масалалар устида бамаслаҳат бир фикрга келиш кичик комитет ишини аниқ йўлга солган бўлур эди ва бу ишнинг муваффақиятли бўлиб чиқишига ёрдам берган бўлур эди.

Жумладан, совет вакили бундай савол берди: АҚШ, Совет Иттифоқи ва Хитой қуролли кучларининг даражаси шу давлатларнинг ҳарқайсиси учун 1 миллиондан 1,5 миллион кишигача бўлган миқдорда белгиланишига, Англия ва Франция учун 650 минг кишидан иборат қилиб белгиланишига АҚШ, Англия, Франция ва Канада вакиллари розилик берадиларми? Шунингдек, улар қолган ҳамма давлатлар учун қуролли кучларининг даражаси 150—200 минг кишидан оширилмаслигига ҳам розилик берадиларми?

Оддий типдаги қурол-яроғларнинг ва қуролли кучларнинг келишиб белгиланган камайтириш миқдори 75 процент амалга оширилгандан кейин атом ва водород қуролларини тўла равишда тақиқлаш кучга киришига, атом ва водород қуролини давлатларнинг қурол-яроғлари қаторидан чиқариб, йўқ қилиб ташлаш ишлари келишиб белгиланган камайтириш миқдорининг қолган 25 процента даражасида қурол-яроғларни камайтириш вақтида тугатилишига ва шундан сўнг барча атом материалларидан фақат тинч мақсадлар учун фойдаланилишига Ғарб давлатлари розилик берадиларми?

Соболев айтдики, совет делегацияси қуйидаги саволга жавоб берилишини кутмоқда: қурол-яроғларни ва қуролли кучларни камайтириш тадбирлари ўтказилабошлаши блан бир вақтда давлатлар атом ва водород қуролини тўла равишда тақиқлаш тўғрисидаги битим кучга киргунча ядро қуролини ўзлари учун тақиқланган қурол деб ҳисоблаб, уни ишлатмаслик тўғрисида ўз зиммаларига тантанали мажбурият олсинлар ва бу қондадан фақат агрессияга қарши мудофаа мақсадида, шунда ҳам Хавфсизлик Кенгашининг тегишли қарори қабул қилинган четга чиқишга йўл қўйилиши мумкин, деган фикрга АҚШ, Англия, Франция ва Канада розилик берадиларми?

Атом ва водород қуроли бўлган давлатлар қурол-яроғларни камайтириш ва атом қуролини тақиқлаш программасини амалга оширишда биринчи навбатдаги тадбирлардан бири тариқасида ўз зиммаларига шу турдаги қуролларни синовдан ўтказишни тўхтатиш мажбуриятини олишлари лозимлигига АҚШ, Англия, Франция ва Канаданинг розилик беришлари масаласи ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Шу нарса шак-шубҳасиздирки, деди Соболев, 10 майдаги совет таклифларида айтиб ўтилган асосий масалаларга бериладиган жавоблар қурол-яроғларни камайтириш, атом қуролини тақиқлаш программасининг келишилган муҳим қоидалари ҳақида равшан тасаввур ҳосил қилиш имкониятини берган бўлур эди.

Кичик комитетнинг эндиги мажлиси 6 сентябрьда бўлади.

СОВЕТ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ ХОДИМЛАРИНИНГ ДЕЛЕГАЦИЯСИ АҚШГА ТАКЛИФ ҚИЛИНДИ

ВАШИНГТОН, 2 сентябрь. (ТАСС). Уй-жой бинолари қуручи бинокорлар Америка миллий уюшмаси яқинда СССРнинг Вашингтондаги элчихонаси орқали Совет ҳукуматига таклифнома юбориб, Америкада уй-жой бинолари қурилиши блан танишмоқ ва Қўшма Штатлардаги ҳозирги замон қурилиш техникасини ўрганмоқ учун шу йил октябрь ойида Қўшма Штатларга совет уй-жой қурилиши ходимларининг бир группасини юборишни сўради. Уюшма олти кишидан иборат совет вакиллари группасини шу уюшма томонидан Вашингтонда қурилган янги миллий уй-жой марказини 3 октябрьда расмий равишда очиш маросимига етиб келишга таклиф қилди. Совет делегациясига Қўшма Штатлардаги бирқанча шаҳарларни бориб кўриш таклиф қилинади.

Уюшма, бу саёҳат тўрт ҳафта чамаси давом қилсин ва совет делегацияси айрим қурилиш об'ектларини бориб кўришдан ташқари, яна «бинокорлик материаллари ва ускуналари ишлаб чиқараётган ба'зи корхоналар» блан ҳам танишсин, деб таклиф қилди.

Уюшма раиси Эрл Смитнинг СССР элчисига юборган хатида айтилган бу таклиф АҚШ Давлат департаменти томонидан ма'қулланди.

«Саноатимизнинг намояндалари, — дейилади хатда, — халқлар ўртасида идеялар ва информацияларни бемалол айирбошлаш ўзаро ҳамжиҳатлик ва дўстлик ўрнатишнинг энг тўғри йўли деб кўпдан бери ҳисоблаб келмоқдалар. Биз ҳам мана шу фикрга амал қилиб, совет уй-жой қурилиши ходимларининг олти кишидан иборат группаси учун Қўшма Штатларнинг турли шаҳарларини ғайрирасмий равишда келиб кўришларини ташкил этиш имкониятини табриклаган бўлур эдик.

Шу саёҳат вақтида биз уларнинг Америкадаги ҳамма типларда бўлган янги уйларни бориб кўриб танишишларини ва мамлакатимизда татбиқ қилинаётган проектлаш ҳамда қурилиш методларини ўрганишларини ташкил этамиз. Америка бинокорлари сизларнинг ватандошларингиз блан ўз иш методларини ва техникаларини муҳокама қилиш ва уларга тушунтириш имкониятини табриклайдилар. Бундан ташқари, биз делегацияга Америка уй-жой қурилишида ишлатилаётган ишлабчиқариш материалларининг кўпчилик қисмини бераётган ўрмончилик, цемент саноатининг ва бошқа саноат тармоқларининг ишларини, шунингдек йирик уйлар ишлаб чиқаратган заводларни хурсандчилик блан кўрсатган бўлур эдик».

ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ҮН ЙИЛЛИГИНИНГ ХАНОЙДА БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ

ХАНОЙ, 2 сентябрь. (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги хабар беради: Бугун Вьетнам Демократик Республикасининг пойтахти Ханойда республика ўн йиллигига бағишланиб ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойиши бўлди. Бундан роса 10 йил муқаддам президент Хо Ши Мин Вьетнам мустақиллигини эълон қилган Ба-Динь майдонига эрта саҳарда меҳнаткашларнинг вакиллари, меҳмонлар, дипломатик корпус а'золари тўпландилар.

Эрталаб соат 6 дан 25 минут ўтганда президент Хо Ши Мин, Вьетнам меҳнаткашлар партиясининг бош секретари Труонг Шин, Миллат мажлиси доимий комитетининг раиси ва Вьетнам миллий бирлашган фронти миллий комитетининг раиси Тон Дук Танг, бош министр ўринбосари ва ташқи ишлар министри Фам Ван Донг, миллий мудофаа министри ва Вьетнам Халқ армиясининг бош қўмондони генерал Во Нгуен Зиап ва бошқалар трибунага чиққанларида уларни ҳамма гулдурос қарсаклар блан кутиб олади.

Артиллерия салюти тантаналар бошланганлигидан дарак беради. Президент Хо Ши Мин микрофон олдига келиб тантанага тўпланганларни табриклайди. У, республика барпо бўлгандан кейин ўтган 10 йил мобайнида вужудга келган катта ўзгаришларни эслатиб ўтади ва Вьетнам халқи ҳамда ҳукуматининг олдида турган вазифаларни айтиб беради.

Вьетнам Халқ армиясининг бош қўмондони генерал Во Нгуен Зиап қўшинларни кўрикдан ўтказади ва байрам буйругини ўқиб беради. Парад бошланади. Пиёда аскарлар, моторлашган пиёда аскарлар, зенит артиллерияси-танк қисмлари колонналари трибуналар ёнидан ўтадилар.

Парддан кейин бўлган намойишда 170 минг киши қатнашди.

БОЛГАРИЯ ҚИЗИЛ КРЕСТИНИНГ ТУРКИЯ АҲОЛИСИГА ЁРДАМИ

СОФИЯ, 2 сентябрь. (ТАСС). Болгария телеграф агентлиги хабар беради: Болгария Қизил Крестининг марказий кенгаши Болгариянинг Анқарадаги дипломатик миссияси орқали Туркия Қизил Ярим Ой жамиятига Туркияда август ойида бўлган ер қимирлаш ва сув тошқинидан зарар кўрган аҳолига ёрдам кўрсатмоқ учун 25 минг лев пул юборди.

БОЛГАРИЯ ҚИЗИЛ КРЕСТИНИНГ ҲИНДИСТОН АҲОЛИСИГА ЁРДАМИ

СОФИЯ, 2 сентябрь. (ТАСС). Болгария телеграф агентлиги хабар беради: Болгария Қизил Крестининг Марказий кенгаши Болгариянинг Деҳлидаги дипломатик миссияси орқали Ҳиндистон Қизил Крести жамиятига август ойида сув тошқинидан зарар кўрган ҳиндистонликларни кўчирмоқ учун 20 минг лев пул топширди.

ИНДИРА ГАНДИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ДЕҲЛИ, 1 сентябрь. (ТАСС). «Индиан экспресс» газетасининг хабарида айтилишича, Деҳли шаҳар Болалар эсончилиги кенгаши томонидан 31 августда ташкил этилган митингда Ҳиндистон бош министрининг қизи Индира Ганди сўзга чиқиб, Совет Иттифоқи ҳамда Шарқий Европадаги бошқа мамлакатларнинг ҳукуматлари томонидан болалар тўғрисида қилинаётган ғамхўрликка юксак баҳо берган.

Индира Ганди шу мамлакатларда пионер саройларининг жуда яхши ишлаётганлигини айтиб ўтган ва Ҳиндистонда болалар учун ташкил қилинаётган уйлар, пионер саройлари принциплари асосида ишласин, деб таклиф қилган.

АНТОНИН ЗАПОТОЦКИЙНИНГ СОҒЛИГИ

ПРАГА, 2 сентябрь. (ТАСС). Чехословакия телеграф агентлиги хабар беради: Чехословакия Республикасининг президенти Антонин Запотоцкийнинг соғлиги тўғрисида 2 сентябрь Прага вақти блан эрталаб соат 9 да қуйидаги ахборот э'лон қилинди.

Кейинги 24 соат мобайнида Республика президенти ўртоқ Антонин Запотоцкий соғлигининг умумий ҳолати ва юрак фаолияти анча яхшиланганлигини кўрсатучи белгилар пайдо бўлди.

Республика президенти ўртоқ Антонин Запотоцкийнинг соғлиги яхшиланабошланганлиги сабабли унинг соғлиги тўғрисида ахборот ҳар кун э'лон қилинмайди.

СОВЕТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ КАНАДАДА БЎЛИШИ

ЛОНДОН (Онтарио вилояти), 2 сентябрь. **(ТАСС махсус мухбири).** Кеча Совет қишлоқ хўжалик делегацияси Виннипег шаҳридаги «Бэд оф грейн комишионерс фор Канада» ташкилотига бориб, унинг лабораториясида экспорт қилинадиган донниинг сифатини аниқлаш методлари блан танишди. Канаданинг галла бўйича бош инспектори Маккензи ва химия бўлимининг бошлиғи доктор Андерсен делегацияга изоҳ бериб юрдилар.

Тушдан кейин делегация Лондон шаҳрига (Онтарио вилояти) учиб борди. Лондон аэропортида делегацияни Совет Иттифоқи дўстларининг бир группаси кутиб олиб, делегацияга гуллар ва табрикнома тақдим қилди. Канадали руслар федерацияси номидан ёзилган табрикномада бундай дейилган: «Совет қишлоқ хўжалик делегациясига салом. Сизларнинг миссиянгиз энг катта муваффақият блан тугалланишини ҳамда совет халқига ва бутун дун'ёга фойда етказишини тилаймиз».

ФРАНЦИЯ ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

Франция Иқтисодий кенгашининг делегацияси Ўзбекистонда бирнеча кун бўлди.

Делегация а'золари 2 сентябрьда эрталаб Ўзбекэнерго системаси Чирчиқ гидроэлектростанциялари каскадининг бош узелига бордилар. Ўзбекэнерго раҳбарлари меҳмонларни каскаднинг умумий схемаси блан ва уни янада ривожлантириш перспективалари блан таништирдилар.

Делегация а'золари каскаднинг икки юқори гидроэлектростанциясини — Товоқсой ва Комсомольск гидроэлектростанцияларини тамоша қилдилар. Улар 1-нчи Оққовоқ гидростанциясини Комсомольск ГЭС пульти орқали масофадан туриб бошқаришни кўздан кечирдилар.

Делегация кунниинг иккинчи ярмида Тошкент яқинида жойлашган Бутуниттифоқ ўсимликшунослик илмий-текшириш институтининг Ўрта Осиё тажриба станциясига борди.

3 сентябрьда делегация а'золари Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини тамоша қилдилар, сўнгра СССР Фанлар Академиясининг Г. М. Кржижановский номидаги Энергетика институтининг шаҳардаги экспериментал гелио базасига бордилар. Институтнинг илмий ходимлари меҳмонларга қуёш қувватидан фойдаланиш соҳасида ўзлари томонидан олиб борилаётган текшириш ишлари тўғрисида гапириб бердилар, гелиустановканинг турли экспериментал нусхаларини кўрсатдилар.

Делегация бошлиғи, Франция Иқтисодий кенгаши саноат ишлабчиқариши комиссиясининг раиси ҳамда Франция потронати миллий кенгашининг вице-президенти ва хазиначиси Эмануэль Майоль жаноблари ЎзТАГ мухбири блан суҳбатда Ўзбекистонда бўлган вақтида олган таассуротларини айтиб берди.

— Бизнинг буерда кўрган ҳамма нарсаларимиз, — деди у, — делегациямизнинг а'золарини қизиқтирди. Биз, Ўзбекистоннинг табиий бойликларидан жуда яхши фойдаланилаётганлигини ана шу бойликлардан амалий суратда фойдаланиш учун кўп иш қилинганлигини та'кидлайолямиз. Делегация а'золари делегация самимий кутиб олинганлиги учун Ўзбекистон республикасининг ташкилотларидан жуда миннатдордирлар.

Четэллар блан маданий алоқа қилучи Ўзбекистон жамияти правлениеси делегация шарафига қабул маросими ўтказди. Қабул маросими самимий, дўстона вазиятда ўтди.

Франция Иқтисодий кенгаши делегацияси 3 сентябрьда Тошкентдан Саратовга учиб кетди. (ЎзТАГ)

Ёшлар ва студентлар Жаҳон фестивали қатнашчиларининг Ўзбекистонда бўлиши

Ёшлар ва студентларнинг Варшавада бўлган жаҳон фестивалида қатнашган Африка (Кения, Судан, Олтин қирғоқ, Дагомея, Мозамбик, Нигерия, Франция Конгоси, Маврикия оролларн) ёшларининг делегацияси Ўзбекистонда тўрт кун меҳмон бўлиб турди.

Африкали меҳмонлар республика меҳнаткашларининг ҳаёти блан, Ўзбекистон ёшларининг меҳнат ва жамоат ишлари блан қизиқдилар. Меҳмонлар Тошкентда Сталин номидаги Тўқимачилик комбинатида бўлиб, у ерда ип-газламалар тўқиб чиқариш блан, ишчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш ишларининг қўйилиши блан танишдилар. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети ва Тўқимачилик институтининг студентлари блан учрашдилар, 20-нчи сон ўрта мактабга ва Сталин номидаги пионердар саройига бордилар, ёшларнинг умумшаҳар йиғилишида ҳозир бўлдилар. Делегация Октябрь районидаги Каганович номли колхозга борди. Республика меҳнаткашлари меҳмонлар блан учрашувлар вақтида уларни қизғин тафриклалилар, бутун дун'ёда тинчлик бўлиши учун актив курашаётган Африка халқларига нисбатан ўзларининг чуқур хайрихоҳлик туйғуларини изҳор қилдилар.

Иккинчи сентябрьда делегация а'золари «Ёш ленинчи» газетаси редакциясида матбуот конференцияси ўтказдилар. Бу матбуот конференциясида маҳаллий матбуот ходимлари ҳозир бўлдилар. Матбуот конференциясида меҳмонлар Африка ёшларининг ҳаёти тўғрисида, Совет Ўзбекистони уларда катта таассуротлар қолдирганлигини гапириб бердилар, ўзларининг тинчлик ишини мустаҳкамлашга, халқлар ўртасида дўстона алоқаларни ривожлантиришга қат'ий қарор берганликларини айтдилар.

Учинчи сентябрьда Африка ёшларининг делегацияси Тошкентдан самолёт блан Москвага учиб кетди. Аэродромда делегацияни республика пойтахти ёшларининг вакиллари кузатиб қолдилар. (ЎзТАГ).

Тошкентда

МИРИШКОР ГУЛЧИ



Гулларнинг шаҳар виставкаларида намойишга қўйилган ранг-баранг хризантема, картошкагул, қашқаргул, нилуфар каби турлари ҳамиша тамошабинлар диққатини ўзига жалб этади.

Бу гулларнинг эгаси Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг старший ўқитучиси Владимир Михайлович Муравьевдир. Миришкор гулчининг номи фақат республикамизда эмас, балки республикамиздан бошқа жойларда ҳам ма'лум.

Муравьев ўз боғида пиёзилдизли ўсимликларни чатиштириш блан шуғулланади. У турли гул нав'ларини етиштиришга зўр муҳаббат блан қарайди. Ҳозир унинг 550 квадрат метр майдонида 56 хил нилуфар, 60 хил картошкагул, 18 хил геоцинт бор. Боғда картошкагулнинг «Икки ўртоқ» нав'и, қипқизил «Париж алангаси», нилуфарнинг хушбўй «Регалия» нав'ини ва нодир «Тигринум», шунингдек, «флокс»ларни кўриш мумкин.

Муравьев фақат турли нав' гулларни ўстириш блан шуғулланмасдан, балки маҳаллий шароитга мосланган янги нав'лар ҳам етиштирмоқда. Масалан, у нилуфарнинг «Тигринум»га ўхшаш янги нав'ини етиштирди. Бу нав'нинг ранги қизил бўлиб, ҳоли йўқ.

Миришкор гулчи кактус ўсимлигининг янги нав'ларини етиштиришга ҳам жуда қизиқади. Ҳозир богда бу ўсимликнинг 18 хил нав'и бор.

Яқинда Муравьев Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик виставкасига флокснинг олий нав'ини тақдим этди ва шаҳар гулчилигига қаламча қилиб берди. Бу нав' янги иқлимга мослаштириш учун мўлжалланган.

Муравьев ўзи етиштирган гул нав'лари блан шаҳар виставкаларига қатнашди ва гулчилик соҳасидаги хизматлари учун Фахрий Ёрлиқ, биринчи даражали диплом ва совғалар блан мукофотланди.

Ҳозир миришкор гулчи шу йилнинг 15 сентябрьда ўтказиладиган VI шаҳар гул виставкасига экспонатлар тайёрламоқда.

В. КОПИТОВА.

Суратда: ўртоқ **В. М. Муравьев** ўз боғида етиштирилган гуллардан янги нав' яратиш устида тажриба ўтказаётир

А. Аверьянов фотоси.

Республика қўғирчоқ театрида

Республика қўғирчоқ театрининг ижодий коллективи (директори Р. Л. Аналиева, бош режиссёр Н. А. Дударова ўртоқлар) ўсиб келаётган ёш авлод дидига мос келадиган асарлар устида қунт блан ишлаб, уларга мазмур бўладиган кўпгина янги қўғирчоқ спектакльларини саҳнага қўймоқдалар.

Театрда 30 га яқин саҳна асари муваффақият блан тамошабинларга кўрсатилмоқда. Қўғирчоқ театри репертуаридаги бу спектакльларнинг кўпчилигини турли миллат халқ эртаклари ҳамда рус классик ёзучилари асарлари ташкил этади. Шунингдек, театрда қайта ишланган эртакларни саҳналаштиришга ҳам алоҳида э'тибор берилмоқда. Масалан, «Қизил шапкача», «Қизил тожли хўроз», «Конёк Горбунок» каби асарлар шулар жумласидандир.

Театрда ўзбекча ҳамда русча секторлар ишлаб турипти. Ўзбек тилида ижро этилаётган 10 дан ортиқ спектакль бор. Булардан Р. Ботировнинг «Сирли чаноқ», М. Шевердиннинг «Ўрмон сирлари», Ғайратийнинг «Ўрмонда» каби асарлари бетамошабинларда катта қизиқиш туғдирмоқда. Театр шу кунларда Хабибуллаевнинг «Зиёд ботир» деган асарини саҳнага қўйишга тайёрланмоқда.

Театрда махсус сайёр бўлим ишлайди. Бу бўлим республикамизнинг турли областъ, район ва шаҳарларида болаларга қўғирчоқ спектакльларини кўрсатади.

Республика қўғирчоқ театри томонидан кўрсатилаётган спектакллар болаларнинг тасаввур ва тушунчаларини кенгайтиришга, маданий савияларини оширишга катта ёрдам беради, уларни мардликка ўргатади.

Бир кунда етти мингга яқин хат-хабарлар

Мамлакатимизда аҳолига ва жойлардаги ташкилотларга почта ва телеграф хизмати кўрсатиш тобора яхшиланиб бормоқда. Биргина Тошкентдаги Главпочтамтнинг ўзига бир кунда Москва, Ленинград, Киев ва бошқа шаҳарлардаги меҳнаткашлардан 7 мингга яқин хат-хабар ва совғалар келади. Она-Ватанимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида яшовчи меҳнаткашларга пойтахтимиздан 8 мингга яқин хат, посилка ва 100 минг нусха ҳархил газета ва журналлар юборилади.

Кутубхона мудирларининг семинари

Яқинда область кутубхонаси биносида, область ва район кутубхоналари мудирларининг уч кунлик семинари бўлиб ўтди.

Семинарга кутубхона мудирларидан 200 га яқин киши қатнашди. Семинар қатнашчилари «Пахта йиғим-терими даврида кутубхона олдидаги вазифалар», «Колхоздаларида кўчма кутубхоналар уюштириш» каби 10га яқин темада суҳбат ва лекциялар тингладилар.

Шунингдек кутубхона мудирлари Наримонов номли, Крупская номли кўпгина кутубхоналарда бўлдилар. Ердаги малакали кутубхоначилар ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Шахмат хроникаси

* Ленинградда СССР биринчилиги учун юзкатакли шашка бўйича ярим финал мусобақалари тамом бўлди. Мусобақада юзкатакли шашка бўйича Ўзбекистон ССР чемпиони, мастерликка кандидат С. Гуляев (Тошкент педагогика институти) яхши натижага эришди. У мусобақа голибларидан биридир. Гуляев 1955 йил сентябрь ойида Минск шаҳрида СССР биринчилиги учун юзкатакли шашка бўйича ўтказиладиган мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқини олди.

* Максим Горький номли Маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар биринчилиги учун шашка, шахмат бўйича ярим финал мусобақалари бошланди. Шашка бўйича ўтказилаётган мусобақада 12 киши, шахмат бўйича ўтказилаётган мусобақада 12 хотин-қиз қатнашаётир. Шахмат бўйича 4-нчи ярим финал мусобақаларда эса шаҳарнинг энг кучли шахматчилари, биринчи разрядлилар ҳамда мастерликка кандидатлар иштирок этмоқдалар.

* Ригада СССР биринчилиги учун ёш шахматчилар командаларининг мусобақалари бошланди. Биринчи группа мусобақаларида Ўзбекистоннинг болалар (8 киши) ва қизлар (4 киши) командаси қатнашаётир. Ўзбекистон командасига тренер З. Ҳўжаев бошчилик қилмоқда.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — ёзги бинода — 4/IX да **Алишер Навоий**, қишки бинода — 4/IX да кундуз **Гамлет**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 4/IX да кундуз **Мис чавандоз**, кечқурун **Иван Сусанин**.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

НАВОИЙ номли (кундуз соат 4 дан кеч 10 гача), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 6 ва 8 да) — бадиий фильм **Дўндиқ**.

«РОДИНА» — кеч соат 7 ярим ва 10 яримда **Дайди** (иккала серия).

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 дан кеч 6 гача, **Ефрейтор Кочетков ҳодисаси** кеч соат 10 да **Соррентога қайтиб кел**.

«ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» — кеч соат 9 дан **Жунгли**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да **Ниначи**.

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

НАВОИЙ номли, «ХИВА» — **Дўндиқ**.

«ИСКРА» — **Князь қизи Мери**.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ коммутатор — 36334 ва 36262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 135 Маданият бўлими — 132 Адабиёт ва санъат бўлими — 39040 Қишлоқ хўжалик бўлими — 135 Саноат ва транспорт бўлими — 132. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 05285. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр № А — 1499.